

Оила китоби

84(54)7
М-22



Эркин Малик

Ижобат бўлган дуо

84(64)6

М-22


ЭРКИН МАЛИК

ИЖОБАТ БЎЛГАН ДУО

Ҳикоялар, табиат китоби, йиллар... одамлар...



“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2018



УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)7

М – 22

М – 22 **Малик, Эркин.**

Ижобат бўлган дуо (Ҳикоялар, табиат китоби, йиллар... одамлар...). – Т.: “Sharq”, 2018. – 320 б.

Азиз китобхон! Оламнинг ўзи улкан бир китоб. Ундаги ҳар бир зарра, ҳар бир нукта Аллоҳ тарафидан яратилган бир асардир. Шуниси борки, уни ўқиш учун жуда сезгир заррабинлар керак. Ижодкор аҳлини ўша заррабинларга ўхшатиш мумкин. Улар ҳамиша улкан китоб саҳифаларидаги сирли битикларни ўқиб, маъно ва мазмунини баҳоли қудрат сизларга етказиш пайида бўладилар. Қўлингиздаги китоб ҳам муаллифнинг шу йўлдаги уринишларидан биридир. У ҳам “Дуо олган келинчак” каби Сизларга маъкул бўлади деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-26-773-2

УЎК: 21.512.133-1

КБК 84(5Ў)7


ISBN 978-9943-26-773-2

© Эркин Малик, 2017, 2018.

“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти, 2017, 2018.



ҲИКОЯЛАР



ҚЎШНИ

Эртага рамазон деган шак кунлари эди. Ён қўшним бир кути оқ қанд билан икки кути чой чиқартириб юборибди.

– Э... сафардагилар қайтишдими, рамазон олдидан бағринглар тўлиб копти-да, қандок яхши бўпти, – дедим хурсанд бўлиб. Қўшним тижорат ишлари билан сафарга кетган эди.

– Йўқ, ҳали қайтмадилар, самолёт билетлари эртадан кейинга экан, қўнғироқ қилиб, қўшнимизни рамазон билан қутлаб, салом айтиб қўйгин деб тайинладилар, – деган жавоб бўлди.

– Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳу ва баракотуху, – деб юрагим бир тошди, қандок ажойиб қўшним бор-а сафарда ҳам бизларни ўйлаб юради, вой барака топкур-ей...

АМАЛЛАР НИЯТГА БОҒЛИК

У машинасини сотадиган бўлиб қолди.

– Маҳалладагиларга ҳам айтиб қўй, гилам сотсанг, қўшнингга сот дейишган, бегона бўлмагани яхши, ишинг тушса бемалол бороврасан, – деди дадаси ўғлига аzza-баzza тайинлаб.

Маҳаллада олувчи бўлмади, машина бозорга чиқди. Унга бир йигит харидор бўлиб ёпишди-қолди. Нархига келганда қийиша бошлашди.

– Бўпти, – деди йигит машина эгасига, – уйингизни кўрволай, камига яна гаплашамиз...

Шундай қилиб, улар машина эгасининг уйига келишди. Ота харидор йигитни бировга ўхшатди шекилли, сўраб-суриштириб қолди.

– Қаердансиз, ўғлим?

Йигит яшаш жойини айтди.

– Э, бу маҳалла менга таниш... у ерда Жамолддин почтачи деган дўстим бўларди, истансада ишлаганимда вагонга почта обкелиб берарди, жа кадрдон бўлиб кетган эдик. Нафақага чиқиб сал узоқлашиб қолдик, балки танирсиз.

Йигит кулди-да:

– У киши мени дадам бўладилар, – деди.

– Ана холос, ана холос... – деб отахон йигит билан бошқатдан кўришди, – айтувдим-а гилам сотсанг кўшнингга сот деб, энди дадангизни мана шу машинада обкеласиз, бир отамлашайлик.

Бу гаплардан кейин иккала йигит бир-бирига қараб қолишди.

– Ҳа, – деди отахон зийрак тортиб, – кўри-нишингиздан савдо пишмаганга ўхшайди-а, шундайми?

– Шундайроқ, – деб харидор йигит ерга қаради.

– Сен қанча дединг, – сўради ота ўғлидан. У айтди. – Сиз қанча қилдингиз? У ҳам айтди. – Қани қўл ташланглар-чи. Йигитлар қўл ташлашди. – Мен харидор тарафман, бор барака, – деб қўлни узди ота.

Эртасига дўстлар учрашиб, кўп хурсандчилик бўлди. Ота бошида гилам сотсанг, кўшнингга сот деб бекорга айтмаган экан, амаллар ниятга боғлиқ деганлари шу бўлса керак-да.

ИШИ ЮРИШГАН ТАКСИЧИ

Такси ҳайдовчиликка ишга ўтгандан бери унинг иши юришгандан-юришади. Кунлик кассалари ортиғи билан бажарилади, чўнтагига ҳам қолади. Бунинг сирини фақат ўзию ёлғиз Аллох билади. Энди ўша сирни очиш вақти келди чоғи, токи бошқаларга ҳам ибрат бўлсин, нима дедингиз?

Шундай қилиб, ишга тушгanning биринчи куниёқ унга шифохонадан буюртма бўлди. Манзилга Бисмиллоҳ айтиб, етиб борди. У ердан қўлтиқ таёкли бир йигит билан бир аёл машинага ўтирди. Ангрен шаҳрига олиб борадиган бекатга олиб боришни айтишди. Олиб борди. Юкхонадаги нарсаларини туширишга ёрдамлашди. Камига ҳеч нарсангиз қолмадими деб сўраб ҳам қўйди. Қўзғалди. Йўлда машинага навбатдаги йўловчилар чиқишди. Шунда оёқ тагида сумка қолиб кетгани маълум бўлиб қолди. Мижозларига узр айтиб, шошганича орқага қайтди. Аммо бояги мижозлар кетиб бўлишибти. Сумкани бекат назоратчисига қолдира олмас эди. Бировнинг омонати, ким билади ичида нима бор? Эгалари қидириб келиб қолса деб, қўл телефони, турар жойини ёзиб, бекат назоратчисига қолдирди-да, йўлида давом этди.

Бир ҳафта ичида уч марта йўл-йўлакай бекатдан ҳабар олди. Ажабо, сумкани ҳеч ким сўраб келмапти. Хотини: “Сиқилиб юргунча ичини очиб кўринг, қўйинг балки арзимас нарсалардир”, – деди эрига ақл бўлиб. “Йўқ хотин бизни ишда арзимас нарсалар бўлмайди, жуда бўлмаса

ишхонага элтиб топшираман, очишса гувоҳлар билан ўша ерда очишади, тартиб шунақа”. Шундай ҳам бўлди. Олдин сумканинг кичкина чўнтакчасини очишди. Очишди-ю масала ҳал бўлди-қолди. У ерда паспортдан кўчирма бор экан. Катта хонасини очишга ҳожат қолмади. У шу заҳоти паспорт бўйича қайдасан “Ангрен” шаҳри деб йўлга тушди. Бориш-келиши билан икки юз чақирим-а. Гап унда эмас, гап омонат эгасини топишида.

Хуллас, сўраб-суриштириб сумка эгасини топиб ҳам борди. Эшикни қўлтиқ таёқли йигит билан машинага ўтирган таниш аёл очди. У омонатни аёлга берар экан, нимага сумкани қидириб боришмаганини сўради. “Қидириб боришга арзимаيدиган, нарсалар эди, банисада кийилган кийим-кечак, ишлатилган сочиклар... овора бўбсиз-да, эссиз, ҳали пул ҳам сўрарсиз-а?” – деди аёл бир аҳволга тушиб.

Таксичи кулди-да:

– Яхши қолинг, – деб ҳовлидан чикиб кетди.

Ана азизлар, омонатга хиёнат қилмагандан кейин у кишининг иши юришмай яна кимнинг иши юришсин?..

ЁН ҚЎШНИЛАР

Фалокат оёқ остида. Ғуломжон машинасини орқага қайтараман деб, гаплашиб келаётган икки онахонни туртиб юборди. Ана холос... Дарровда икковларини машинага ўтказиб, шифохонага олиб борди. Битгаларига: “Соппа-соғ хеч нарса қилмаган” деб хулоса ёзиб бериш-

ди. Иккинчиларининг кўл суяги дарз кетган экан, гипсга солиб, уйга жавоб берди. Табиий Ғуломжонга қарши иш очилди. Машинасини иш бир ёкли бўлгунча жарима майдонига қўйишди. Энди бу ёғига жабрланувчилар нима деса шу бўлади. Ҳаммаси уларнинг муруввати-га боғлиқ.

Эртасига Ғуломжон ўз жабрдийдаларидан хабар олгани кўчага чиқди. Шу пайт кўлига соппа-соғ онахон қўнғироқ қилиб қолди. У анчагина пул талаб қилаётган эди. Нима қилсин? Айбдор! Сизга ҳеч нарса қилмаган, соппа-соғсиз-ку дея олмади. Айни пайтда бунча пули ҳам йўқ эди. Дўстларидан қарз-қавола қилди. Соппа-соғи шундай деб турганда, кўли гипсга тушгани қанча дер экан? Аслида пул ўшанга зарур эди? Ҳа, уни ҳам босди. Жуда зўр келса машинасини сота қолади-да.

Олдин пул сўраган аёлникига иккита ўртоғи билан кириб борди. Эри бор экан, саломига алик ҳам олмади. Ғуломжон тенги ўғли бор экан қўйиб берса дўппослайдиган. Ер сузиб, қараб турибди. Яхшиям ўртоқлари билан киргани. Уларнинг гувоҳлигида айтган пулини бериб, чиқиб кетди. Кейин ўртоқларига жавоб бериб, улардан яна озроқ дори-дармонга деб пул олиб, иккинчи аёлнинг эшигини коқди. Дарвозани ўзи тенги йигит очди. Ғуломжон синиклик билан кечаги фалокатнинг айбдори эканини айтиб, хабар олгани келганини билдирди.

— Сизга қолса шунақа бўлсин дебсизми, онам яхшилар, — деди йигит очик юз билан.

– Иккита кўшни гапга берилиб, сиз боламга ҳам йўқ жойдан ташвиш орттирдик-да, – дея ичкаридан чикиб келди онахон.

Ғуломжон қайта-қайта узр-маъзур айтиб, дори-дармонингизга деб аёлга кўлидаги пулни тутиб:

– Олдингизда қарздорман, онажон, нима десангиз шу ҳозирча шуни обтуринг, – деди бош эгиб.

– Нима қиялпсиз? – деди йигит бирдан ўзгариб, – Худога шукр онажонимни ўзим қаратиб оламан, қўйинг бу ишингизни, айтдим-ку атайлаб қилмагансиз, деб...

– Гап бундоқ, – деди онахон Ғуломжонга қараб, – сиз яхшиси мени тегишли жойга олиб боринг, айб ўзимизда, гапга берилиб, эҳтиёт бўлмаганмиз деб ёзиб бераман, вассалом. Аслида ҳам шундоғ-да, болам. Ҳамма тинчисин. Бечора уйиздагилар не-не хаёлларга бориб ўтиришгандир? Анови кўшнимни-ку соппа-соғ дейишди. Барака топинг, иссиғида кўярда-кўймай дўхтирга обордингиз, мана яна хабар олгани келибсиз. Ўшанда бор-е деб кетворсангиз ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб қолаверардик, ҳа. Иймонингиз бутун экан, барака топинг.

Ғуломжон оёқ тагига қараганича турар, ҳа деганда бошини ердан кўтара олмасди... Кўтарсаёқ кўз ёшлари дува тўкиларди...

ЭШИТГАНЛАРИМ

– Эгачи, эрингизни ўзингизга кулдек хизмат қилишини хоҳлайсизми?

– Бўмасам-чи, буни қайси хотин хоҳламайди дейсиз?

– Унда эрингизга чўридек хизмат қилишни бошланг!

– А?..

ҚУРЪОН – МЎЪЖИЗА

Йиллик таквимда “Биласизми” сарлавҳали мақолани ўқиб, беихтиёр Қуръони каримнинг “Ар-Рохман” сурасини эсладим. Суранинг 7, 8 ва 9-оятларида “мезон”, “адолат”, “тарозу”, “ўлчов” сўзлари такрор ва такрор келади. Аллоҳ таоло бу сўзлар билан ёруғ оламни фақат адолат билан ҳар бир унсурни тарозида тортиб, ўлчов билан яратганини баён қилади. Дарҳақиқат, коинотда шундай бир улкан сайёралар борки, уларнинг олдида бизнинг сайёрамиз кичик бир заррага ўхшайди. Бироқ ҳаммаси ҳам маълум ўлчов ва масофада жойлашганки, на ортиқ ва на кам жойи бор, на бир-бирини туртиб юборади, на бир-бирини нари-бери суради. Аллоҳ субҳаноҳу таоло на фақат мавжудодлар, ҳатто сўзларнинг ишлатилиши, у ёки бу номларнинг тилга олинишида ҳам адолат қилган. Бу ёруғ олам мўъжизаларини, сирларини сўзлар саноғи орқали ҳам бандаларига етказмоқчи бўлган.

Бизнинг назаримизда бу ёруғ дунё эркак ва аёлнинг ўзаро ковушиши, умргузаронлиги би-

лан мукамалдир. Чунки фарзандлар дунёга келиши билан инсониятнинг суяк суриши охиратгача давом этади. Эътибор қилганмисиз Аллоҳнинг ердаги халифаси бўлган шу “эркаклар” ва “аёллар” сўзи Қуръони каримда неча марта тилга олинган? Ҳар иккови ҳам бир хил санокда – 24 мартадан тилга олинган. Тенгликни қаранг. Битта ортиқ ҳам, битта кам ҳам эмас. Тарозининг палласидек, тарокннинг тишидек текис. Энди “кунлар” сўзига эътибор қилайлик. Инсон зоти кечаги, бугунги ва эртанги кунлар билан яшайди. Бугун бу ишни қилдим, эртага у ишни қиламан деб режалар тузади. Кунлар офтобнинг ботиши-ю тонгнинг отиши билан туғилади. Ана шу “кунлар”нинг саноғи Қуръонда жами 365 марта айтилади. Ахир бир йилда шунча кун бор-да. Ишоранинг нозиклигига, дақиқлигига қаранг. Шунингдек, “кун” деган сўз 30 марта келади. Бу бир ой 30 кундан иборат дегани! Яна “ой” сўзи 12 марта келади. Бу 12 ойга ишора. Энди яна бир мўъжизага эътибор қилинг. Инсон ўзининг иймони билан чиройли ва гўзалдир. Хўш, “иймон” сўзи неча марта тилга олинган дейсизми? 25 марта, унинг акаси бўлган “куфр” сўзи ҳам 25 марта. “Дунё” сўзи 115 марта тилга олинган бўлса “охират” сўзи ҳам 115 марта. Аллоҳ яратган фаришталар Одам алайҳиссаломга сажда қилишган. Шайтони лайин эса сажда қилмаган. Аллоҳ бу борада ҳам адолат қилган. “Фаришталар” сўзи 88 марта келган бўлса, “шайтон” сўзи ҳам 88 марта келган. “Ҳаёт” сўзини олайлик 145 марта,

“ўлим” сўзи ҳам 145 марта, “яхшилик” сўзи 167 марта, “ёмонлик” сўзи ҳам 167 марта айтилган. Энди Аллоҳнинг улуғлиги ва марҳаматига ўзи рози бўладиган даражада тасаннолар бўлсинки, “жазо” сўзи 117 марта келган бўлса, “мағфират” сўзи эса икки марта кўп – 234 марта келади. Илоҳа бу ўлчовлар, бу рақамларнинг сиру синоати, мағзини чақиб, маъносига етиб яшаганлар муродларига етсинлар.

КИТОБ ЭГАСИНИ ТОПДИ

Тоҳир Маликнинг “Одамийлик мулки” китоби бир йилда неча марта нашр бўлмасин, нархиям қанчалик қиммат бўлмасин тезда тугаб қолади. Сўраганлар, қидирганлар кўп бўлади. Шунинг учун мен бу китобдан ҳар эҳтимолга қарши машинамда олиб юраман. Тўй-тўркин, туғилган кунлар бўлиб қолса жуда асқатади-да. Ёки кимдир бирон-бир китоб ҳақида, илм ҳақида юрак “жиз” этадиган бир гап айтса бўлди, танишми, нотанишми ўйлаб ўтирмай “Одамийлик мулки”ни ўша одамга ҳадя қилиб юбораман. Шундан кейин у киши билан дўстлашиб ҳам қоламиз.

Бир сафар китоб машинамда узок туриб қолди. Кўзи тушиши билан сўровчилар бўлди. Уларга “бировники, омонат” деб қутулардим. Лекин бу китоб кимга насиб қилади, кимнинг омонати ўзим ҳам билмасдим. Ҳа, китоб пинҳона гўё ўз эгасини кутарди.

Бир куни оилам Зухрабону поликлиникага чиқиб келди-да:

– Қаранг, ҳаётда ҳар хил оналар бор-да, бирови боласи учун йиғиб-териб чарчамайди. Бировини-чи... гапини эшитиб, ҳайронлар қолибман... Бир дўхтир иккинчисига нима деди, денг: “Қизингизни бўйи етиб қолди, сарпога кўйлақ оласизми, нархи уч юз минг экан”, – деди. “Э, деб униси қўл силтади, қизим уч юз мингга кўйлақ кийгунча уч юз минг сўмлик китоб ўқисин”... Воҳ, ажойиб-а? Киройи шунақа хонадонларга куда бўлсанг-да...

Бу гапдан мен ҳам бир яйрагандан минг яйрадим. Ичимга чирок ёққандек бўлди. Чинакам оналар шунақа бўлиши керак, аслида. Бировнинг уйига борадиган қизининг ақл-фаросати ҳамма нарсадан муҳим. Бу йўлда китоб оналар учун энг яхши ёрдамчи бўлса, қизлар учун беминнат маслаҳатчидир. Қани энди буни ҳамма оналар ҳам тушунсалар. Қизларининг устки либосини эмас, ички – маънавий либоси ҳақида ўйласалар. Кўз олдимга машинадаги китоб келди. Ҳа, унинг эгаси топилган эди...

– Ким экан у дўхтир, мен танийманми? – сўрадим Зухрабонудан.

– Юрак дўхтири, бор-ку оппоқкина, тўладан келган, аёл, ўша.

– Исми нима экан?

– Билмасам.

Исмини билмасам ҳам китобни олдим-да унга, ушбуларни ёздим:

“Қизим уч юз минглик кўйлақ кийгунча уч юз минг сўмлик китоб ўқисин”, – деган дўхтир

қизимизга. Китобни, илмни ҳурматлар экансиз, икки дунёда кам бўлмайсиз. Сиздек оналар омон бўлишсин. Қадрдоним, Тоҳир Малик номидан... 23.06.16. Рамазон, деб имзо қўйдим. “Одабийлик мулки” бу хонадоннинг чинакам қалб мулкига айланишига ишонаман.

ҒУРУР

Уста дўсти ва унинг ўғлини кута бошлади. Бир вақтлар дўстининг нав-ниҳол ўғлини ёнига олиб, устачиликни ўргатган, қўлидан иш келиб қолгандан кейин, “оқ фотиҳа” берган эди. Олдиниға шогирди устоз деб унда-мунда йўқлаб турди-ю кейиниға дом-дараксиз кетди. Ҳа энди нима кўп қурилиш кўп, чапдастгина эди, иши юришиб, кўзини ёғ босиб қолгандир-да деб хаёлидан ўтказиб қўяр эди. Минг афсуски ундай бўлмаган экан. Кеча дўсти билан жанозада учрашиб қолиб, қаердан ҳам шогирдини сўради-я. Дўстининг хасратидан чанг чикди. Шундоқ норғил, укувли, қўлигул йигит ичкиликка муккасидан кетибди-да. Оҳ, вое-й-й... Иккита ўғилли ҳам бўпти. Акалари ўлардек дўппослашиб, бир хонага ўлсанг-ўлақол, қутулайлик деб бир неча кун қамаб ҳам қўйишибди. Унинг дастидан маҳаллада бош кўтариб юролмай қолишибди-да. Ота-онанинг гапларига-ку илон пўст ташлармиш. Шундоқ йигит тирик товон бўлибди-қопти. Ичкилик ебти уни.

– Пиёнисталар ичиб олиб, нимага бир-бири билан қирпичоқ бўлиб муштлашишади, би-

ласизми? – деди уста дўстини сал ҳовурдан туширмоқчи бўлиб, – бир-бировининг ғурурига, ҳамиятига тегиб кетганда. Айникса тузалишга мойилларида жиндек бўлса ҳам ғурур бўлади-да. Ишкилиб, эркакдир, аёлдир одам зотини “ғурур” деган нарса ушлаб туради. Ўғлингиз ғурурини йўқотмаган бўлса, йўлга солса бўлар-ов.

– Э... – деб қўл силтади дўсти, – хотинининг ички кийимигача сотиб ичган одамда ғурур қопти дейсизми? Қўйиб берса ота-онасини ҳам, бола-чақасини ҳам сотиб, ичади, у жувонмарг. Ундан ўлибгина кутулиш мумкин.

Шунча гапдан кейин ҳам устоз – устозлиги-ча қолди. Дўстига: “Юр, устозингни бир зиёрат қилиб келайлик” деб ҳузурига олиб келишни айтди. Ҳа, устоз дастурхон ёзиб ота-болани кута бошлади.

Улар дарвозанинг тугмасини босиб, ичкаридан овоз бўлгач, узун-қиска бўлиб кириб келишди. Аввалига уста шогирдини танимади. Ёнидаги отасию у отанинг соясига ўхшарди. Ҳа, озиб-тўзиб чўп бўлиб, афт-ангорини ажин босиб, ёши нечидалигини ҳам билиб бўлмай қопти. Бўлмаса ёши ё ўттизга кирди ё энди ўттиздан ошди. Ҳа, ичкилик ебти бола бечорани. Уста ҳайратини ичига ютиб, ота-бола билан кучоқ очиб кўришди. Шогирдини, яхши юрибсанми дегандек елкасига қадимгидек уриб-уриб эркалаб ҳам қўйди. Қадок қўллари тарашани сийпалагандек бўлди. Шогирд бўлмиш тузукрок жилмайиб қўйишни ҳам уддасидан чиқа ол-

мади, кўзлари ич-ичига кириб, ковоғи остининг ҳалтаси осилиб ётарди. Бунни кўриб уста баттар эзилди. Бир гапириб, ўн куладиган, елкаси паннис йигит шу аҳволга тушиб қолса-я. Бармоқлари бургутнинг панжасидек, дастарраю пойтеша, рандаларни ўйинчоқ қилиб ўйнатарди гўё. Устачилик асбоблари борки, кўлига тушиб, ёпишарди қоларди. Уста битта эшик ёки ром тиклагунча у иккитасини тиклаб кўярди. Эндичи, қўллари қалтираб пиёлани ҳам зўрға тутиб турибди.

Уста меҳмонлари билан бир оз чакчақлашган бўлди-да кейин шогирдига астойдил рўпарама-рўпара ўтириб олиб мақсадга ўтди:

— Бу қанақаси, болам тўғриси айтсам эшикдан кириб келганингда сени танимайла қолдим, ҳа, арвоҳмикан деб ўйладим. Урай десам қок суяксан, бундоқ маза ҳам қилмайсан, одам. Қандоқ йигит эдинг-а. Ўх-хў-ў... Кўрганни ҳаваси келарди. Эслайсанми, хотинингни ота-онаси кирои куёвинг бўлса шундоқ бўлса деб ўзлари совчи кўйишган эди. Бечоралар, тирсагини тишлаб қолишибди-да. Бу ёқда мен ҳам қариб қолдим, дўконимни юритармикан деб ўйлаб юрардим. Ишонган ҳўкизим сен бўлсанг, ҳе қавшанган тишингга сени... дейишган экан. Болаларинг борми билиб туриб сўради уста?

— Бор.

— Нечта?

— Иккита.

— Ўғилми, қизми?

— Икковиям ўғил.

— Воҳ... қийин, қийин ўша гўдакларга қийин бўпти. Бошқаларнинг дадаси уйига бир нималарни кўтариб кириб келса, сен қурук қўл билан, яна эшик санаб кириб келасан. Дадажон деб эркаланадиган сўхтинг ҳам қолмапти. Сенинг бу юришингдан гўдаккиналар ич-этини еб адойи томом бўлгани аник. Кўришсаёқ дайди итни кўргандек қочгани жой тополмай қолишса керак. Эсиз болалар, эсиз гулдек хотин, эсиз ота-она, эсиз ака-укалар, қариндош, куда-андалар. Жинни бўлсанг экан, жинни-хонага тикиб кутулишса, сендақаларни ҳатто қамоқхонаям олмайди. Жа олса бир ой, ярим ойга кўча супуришга олади. Сени энди оталик, эрлик, фарзандлик, қариндошлик деган нарсалардан мосуво қилиб, кўчага ҳайдашгина қолибди. Шундагина бу ёқдагилар сал бўлса ҳам тинчишади. Эркинроқ нафас олишади. Ҳа, уйсиз-жойсиз саёқ... “бомж”лар бор-ку... кўча-кўйдами, бирорта томнинг тагидами тарашадек қотиб, ўлиб қолишади. Кейин итнинг ўлигидек бир жойга обориб кўмворишади, бежаноза ...

Шогирд бўлмиш бу гапларни худди эшитмаётгандек қотиб, қилт этмай ўтирарди. Ота у ёқдан дўстига қараб: “Бу гапларнинг фойдаси йўқ” дегандек бармоғини лабига босиб, бош кимирилатарди. Айни пайтда устанинг гапларидан эти ҳам жимирилаб кетарди. Лекин ўғли устози гап билан шунча “тепкиласа” ҳам ғик этмасди. Ҳа, ғурури ўлгандан кейин одам зотининг оёқ тагига ташланган латтадан фарқи қолмас экан-да...



Шу пайт уста бирдан отага ўгирилиб, энди захрини дўстига соча бошлади:

– Сатқан ота кетинг, бу боланинг шундок бўлиб қолишига аввалбоши сиз айбдорсиз, сизни қанча калтакласа, гўрингизга қанча ғишт каласа шунча кам...

Бирдан устанинг сўзи оғзида қолди. Кутилмаганда келиб тушган калла унинг овозини ўчирди. Шунча дашномларга чидаб ўтирган шогирднинг сабр косаси тўлган эди. Мағзава сочиш навбати отасига етганда чидаб туrolмади. Уста ўтирган жойидан орқага тўнкарилиб тушди. Ота ўғлига ташланди.

– Нима қилаяпсан, кўрнамак, устозга ҳам калла қўясанми, оқ падар, ундан кўра мени ур, мана мен турибман...

– Унда сиззи сўкмасинлар...

Устоз жағини ушлаб, ўрнидан турди-да шогирдини бағрига босиб, пешонасидан ўпти.

– Хайрият, Худога шукр, ғуруринг ўлмаган экан, тирик экансан болам. Ўзингга қолганда чидадинг-у навбат отангга келганда чидамадинг. Менга шуниси керак эди. Энди устоз-шогирдликни бошидан – бошқатдан бошлаймиз, ҳа қўлни ташла, болам...

Ота устозининг чинакам устозлигига там берди, айна пайтда отасини ҳимоя қилиб, устозига калла қўйган бедаво ўғлини ҳам яхши кўриб кетди.



МАЙИТНИНГ ҚАРЗИНИ КИМ УЗАДИ?

Жума намозидан кейин имом-домла жаноза борлигини эълон қилиб қолди. Ҳамманинг кўнглидан, қандай бахтли одам экан, жума кунидан буюрибди-я деган ўй ўтди. Жума кунларнинг сайиди, дуолар ижобат бўладиган кун. Бу кунда омонатини топширганларнинг савол-жавоби осон бўлади, деган гаплар юради.

Намозхонлар жанозага сафланишди. Аммо орага қандайдир нокулай сукунат тушиб, охири имом-домла:

— Майитни эгаси бу ёққа чиқсин, қарз-қаволаси бўлса ким узади? — деди хайрон бўлиб. Яна жимлик. Наҳотки шундоқ улуғ кундан буюрган майитнинг эгаси бўлмаса? Балки мусофирдир? Шу пайт бир йигит орадан чиқиб борди. Ох, ўғли бўлса жанозанинг бунақа одатлари борлигини катталар айтиб қўйишмапти-да, деган ўй ҳаёлимдан кечди. Имом домла билан ҳалиги йигит ўртасида бир-икки сонияли гап-сўз бўлди.

— Булар қўшнилари эканлар, марҳумнинг қарз-қаволаси бўлса, гувоҳ ва хат-ҳужжат билан келишса тўлашни бўйнига олди, майит бу дунёдаги қарз-қаволаларидан қутулди, — деб жанозани ўқиди имом-домла.

Ҳалиги йигит қўшниси бўлса, демак, ўлган одам мусофирмас. Ёши ҳам олтмишга борган экан. Фарзандлари йўқ эканда раҳматлини? Балки бордир, четга кетган бўлса етиб кела олмагандир. Унда қариндош-уруғи-чи? Яқин дўстлари-чи? Э, воҳ... балки қарз-қаволаси кўп-

дир? Жанжалли ишлари бордир? Шуни билганлар бўлса, юрак ютиб, ўртага чиқа олмаганлар? Жанозада катнашганларнинг хаёлида ана шунака ва бундан-да турфа саволлар ғужғон ўйнарди. Аммо ҳамма эҳтиром анови мард қўшни йигитга қаратилган эди...

ҚИЗЧАНИНГ ДАДАСИ ҲАЙИТДА КЕЛАДИ

Имом-домла арафа куни бомдодда ўз қовмига сал ботадиганроқ гап қилди. Маълум бўлишича, у киши кеча хуфтон номозидан кейин уйига борса, дарвозаси тагида бир аёл турганмиш. Имом-домла уни танибди. Уч-тўрт ой мукаддам эри ўлиб, тўртта боласи билан тул қолган аёл экан. Кенжатоийи ўлди-қолди деган гапларни ҳали тушунмас экан. Адам узоққа кетган, келади деб юраркан. Тўғрироғи, уни шундай деб ишонтиришган. Нима бўпти-ю қўшниси қизчасига ҳайитлик қилиб, кўйлак обкелибди. У кийиб кўчага чиқибди. Қизалоқ уни кўриб, уйига кириб тўполонни бошлабди. Дадамга айтинг менгайм ўшанақа кўйлак олиб берсин, деб йиғлай-йиғлай, иссиғи чиқиб, ётиб қопти. Дўхтир чақирिशга мажбур бўлишибди. Шунга она бечора бош уриб келган жойи экан. Ёрдам қилса, сахар бозорга тушиб, қизи уйқудан тургунча кўйлакни обкелиб қўймоқчи бўлган. Албатта, имом-домла борини бериб юборибди. Шунга:

— Ҳадеб ўзимизни ўйлайвермайлик, ён-веримизга ҳам қарайлик, Пайғамбаримиз сол-

лаллоҳу алайҳи васаллам, отам тирик бўлганида менга туя оберади деб йиғлаб турган етим болага, туя бўлганлар-а. Ким етимнинг бошини силаса жаннатда мен билан бирга бўлади деганларини ўқимаганмисизлар, – деди.

Яхшиларга бир ишора деганларидек, Ҳайит арафасида бу хонадон совға-саломга тўлиб кетди. Нафақат қизалоққа бошқа ака-опалари, хатто онаизор ҳам бош-оёқ сарполиклар бўлди. Ҳатто велосипедгача. Қизчага-ку кўша-кўша кўғирчоклари билан. Қани энди қизчанинг иситмаси тушса-ю, буларни кўрса... Ҳар тугул Ҳайит куни тонг билан кўзи очилди. Совға-саломларни кўриб, хурсандлигидан чапак чалиб юборди. Кейин дарровда ойисидан сўради:

- Дадам келдиларми?
- Ҳа қизалоғим, келдилар?
- Қанилар?
- Сен уйқудан уйғановирмадинг-да қизим, шунга... ишлари зарур экан, шошиб яна кетиб қолдилар.
- Яна қачон келадилар.
- Худо хоҳласа яна кейинги ҳайитда келадилар...

ЭРТАНГИ КУНИ БИЛАН ЯШАГАН ШАЙТОН

Девор-дармиён кўшни шайтонлар бор эди. Бирининг пичоғи мой устида, егани олдида, емагани кетида. Қорин солиб, бағбақалари осилиб, уйда бўлса уйни, ховлида бўлса ховлини тўлдириб юради. Иккинчиси эса унинг тескари-

си, килтиллаволиб, зўрға кунини кўради. Аслида бунинг тескариси бўлиши керак эди. Ахир биринчи шайтоннинг хожаси бир эмас, икки марта ҳажга бориб келган-а, бекаси эса умрага. Ўғли ҳам, келини ҳам намоз ўқийди. Бунақа хонадоннинг шайтони аллақачонлар дод деб, ундан бош олиб кетиши керак эди. Афсуски, ундай эмас. Сири нимада экан?

Иккинчи шайтоннинг хонадонидагилар на ҳажга ва на умрага борган, беш вақт намозларини бир амаллаб ўқиб, тирикчиликдан бўшамайди. У етишмайди, бу етишмайди деган гаплар йўқ. Топганлари ўртада. Бир-бирларига меҳр-окибатлари зиёда. Хуллас, бу хонадонда шайтонга насиба йўқ. Шайтони қачон қараса тишининг кирини сўриб юради. Баъзан биққидек семириб юрган бойвучча кўшни шайтонни кўрганда ҳасаддан ёрилай дейди. Бойвучча шайтон кундуз кунлари дарвоза тагига чиқиб, текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб, тишини ковлаб, ён-атрофига чиртиллатиб, тупириб ўтиради.

Бир куни кўшни шайтон ундан сир олай деб, ёнига чиқди.

– Ассалому алайкум, кўшнижон...

Бойвучча шайтон уни кўрди-ю чўчиб тушди.

– Вой-ей... туркинг курсин, кимсан?

Шундай деб очиқ турган дарвозадан ҳовлига қараб қўйди. Ҳа, кочиби қолишни ўйлаб қолди.

– Ўтакангиз ёрилмасин-а, қариндош, биз азалдан қондош биродарлармиз, ҳа, шунақа, – йиғламсиради кўшни шайтон, – сизни қора тор-

тиб, чиққан жойим. Кўрмайсизми, машунака ранг кўр – хол сўр бўб қолганман. Вой-ей... бу маҳаллада сиздан бойвуччаси бор эканми? Ҳамма шайтонларнинг сизга ҳаваси келади.

– Пахта кўймай, мақсадга ўт.

– Оҳ, менда мақсад нима қилсин-а асфаласо-филинга кетай деб турибман-ку.

– Унда даб бўл, йўлингдан кома, дўзахдагиларга мендан салом айт.

– Шу десангиз, кетишдан олдин лорсиллаган анови оёқларингизни бир укалаб, дармонга кириб олсам деган эдим, ҳар қалай йўлозик бўларди-да.

– Ҳо-о... ҳақиқа нима сўрайсан?

– Ҳеч нима. У ёқ-бу ёқдан озгина ғийбатлашсак бўлди. Масалан ўзларининг умргузаронлигингиздан... Дўзахга борсам у ернинг фаришталарига сиззи роса мақтаган бўламан, ҳа!

Бу гап кўшни шайтонга ёқиб кетди.

– Оҳ, менинг умргузаронлигим, оҳ менинг доруломон кунларим, бу кунларга етганлар бор, етолмай сенга ўхшаб чапагини чалиб юрганлар бор. Ҳей, кўзинг ўлсин чакчаймай, яна кўзинг тегмайдими менга?

– Э, кўшнижон тегадиган кўз қоптими-я, кўриб турибсиз-ку, аҳволимни.

– Унда бошла уқалашни... Секинроғ-е, кўлинг курсин тарашага ўхшамай. Хў-ў-ш... мен сенга айтсам сенга ўхшаган аммамнинг бузуклари икки дунёда ҳам менга ўхшай олмайсанлар, ҳа.

– Нимага энди, ахир қонимиз бир бўлса, шайтон деган номимиз бор.

– Гапимни бўлма, оёкни уқала. Нимагаки сендақалар эртанги кунингни ўйламайсанлар. Менинг хожаларимга ўхшаб, бугунги кунинг билан яшайсанлар. Мен бўлсам эртанги куним билан яшайман. Ҳозир билсанг бир вақтлар экиб қўйган уруғларимнинг ҳосилини маза қилиб, еб юрибман, ҳа, анашунақа...

– Оҳ-оҳ ўша уруғдан зигирдеккина бўлса қанийди.

– Нафсинг курсин ҳакалак отмай, оёкни уқала, уруғмиш-а... Гаппи бўлма, у пайтлар хожам билан хожабеканинг роса гуриллаган пайтлари эди, хожанинг бошидан дўпписи ерга тушса пулга олдиарди, ҳа. Эр-хотин сайр-саёхатдан бўшашмасиди. Бека биттагина бола туғди-ю, уни ҳам ота-онасига ташлади-қўйди. Менинг уруғ экишим ўшандан бошланган. Дунё лаззатларидан қолиб кетаман деб бошқа туғмади, барака топгур. Ҳа, васвасаларимга учди. Шундай замон келгандаё даври даврон суриб қол. Болани ташлаб қўйиши мен учун айти муддао эди. Ахир эрни хотиндан, болани ота-онадан жудо қилиш биз шайтонларнинг касбимиз-ку. Шундай қилиб, шу биттаю битта боланинг тақдири ҳам чол, кампирнинг қўлида қолиб кетди. Опицлаб боғчага оборишди, кейин мактабга. Ота-она мажлисига ҳам бир сафар чол борса, бир сафар кампир борди. Бола бечора ота-онаси тирик бўла туриб етимчага ўхшаб, мўлтираб юарди. Чекка-чеккага чиқиб йиғлаб ҳам оларди. Ўшанда шайтон бўлсам ҳам юрагим ачишган. Шунда мен болақайнинг бошини

силаб: “Қўёвур, вақтики келиб бу азобларнинг ўчини, албатта, сенга олиб бераман” деб овитган бўлардим. Хуллас, бола ўз ота-онасидан бегона, чол ва кампирни отам-онам деб ўсди.

— Гап хожанинг анови намозхон ўғли ҳақида боряптими? — сўради кўшни шайтон.

— Ўша бўлмай, яна ким бўларди меров ўлгур, оёкни укала, кўп гапирмай. — Шундай қилиб, ўғилни уйлантириш ҳам чол-кампирнинг бўйнига тушди. Майли неварамиз ўлсак уйимизнинг чироғини ёкиб ўтиради деб, қувонишди чол ва кампир. Аммо хомтама бўлган эдилар. Ўлганларидан кейин хожа билан хожабекани васваса қилдим. Бу пайтда уларнинг куни нафақага қараб, қолган эди. “Хов ўзини яхши кўрадиган олифталар, ёшларни уйинга кўчириб, отамерос ҳовлини сотсаларинг-чи, яна пичоқларинг мой устида, бўб қолади! Ахир туғдириб, туғиб қўйгансанлар, хизматларингни қилишсин-да бундоқ. Айтганимдек бўлди. Лекин ўша меросдан сарфлаб, ақалли ота-онасининг қабрини суватиб ҳам қўйишмади. Ўғил улар яшайдиган ҳовлига хотини ва иккита боласи билан худди ижарачидек кириб келишди. Қани энди йигит бечоранинг уларни ада, ойи дейишга тили айлана қолса. Худди бир-бирларига ўгайга ўхшагандек қарашади. Гаплари-гапга қовушса ўлсин, агар. Аммо хожа билан хожабека катта пуллик бўлгач, кутилмаганда сайр-саёҳат йўналишини ўзгартиришди. Қарашса, улар тенгилар курортларга эмас ҳаж деган, умра деган жойларга бо-

ришяпти экан. Кўпдан ажраш яхшимас, у жойлар ҳам саёҳат жойлари бўлса керак-да. Шу ишлари менга ёқмади. Аммо шошилган эканман, оқибати яхши бўлди. Хожа биринчи боришдаёқ ҳожи ота, ҳожи ака, ҳожим бўлиб, маҳаллада кўтар-кўтар бўлиб кетди. Уни издиҳомларда кутиб олишган, уйигача кузатиб қўйишган. Аммо биттаю битта ўғлидан бунчалик ҳурмат, бунчалик эътиборни кўрмасди. Ўғли нукул узун кйриб, узун чиқади. Бу ўзини сизсираб юрган отага ёқади дейсанми? Ўла қолсаям ёқмас. “Хожам бу қанакаси, кўчада ҳамма соянгизга кўрпача солса-ю пушти камарингиздан бўлган болангиз тескари қараб юрса”, деб оловига бензин септим. “Қов гўрсўхта, – деди у бир куни ўғлига, – сен нимага бундоқ отам деб ёпишмайсан-а, етти ёт бегонага ўхшаб, бошқа кўчаларда юрасан, билиб қўй, отанг бўламан-а сени кул қилиб сотиб юборишга ҳам ҳақким бор”.

Уни кул қилиб сотиб юборишга ким ҳақлироқ эканини ўғли билмасдимас биларди. Шунгами қабристонга борди, буваси билан бувисини зиёрат қилди. Ўз қўллари билан лой қориб, йиғлаб-йиғлаб қабрларини сувади. Ўтириб, дуо қилди.

Биринчи боришида маҳалланинг ҳожи отаси бўлиб қолган хожа иккинчи марта бориб “супер ҳожи” бўлишни истаб қолди. Бу нияти ҳам амалга ошди. Энди уни “супер” ҳожи деб бошқа ҳожилардан юқрига чиқарадиган бўлишди. Дуо қилишни билмаса ҳам йўлини тўсиб дуо қилинг, боламнинг қулоғига азон айтиб, исмини

кўйиб беринг дейдиганлар кўпайди. Лекин уйда ҳамон ўша-ўша совуқчилик. Илиқ-иссиқлик йўқ. Бунақа хонадонда мен яйрамай, яна ким яйрасин. Улар орасида шундоқ жарлик бор эдики, нақ қараганнинг боши айланиб тушиб кетадиган. Ҳа, жаҳаннамнинг ўзи.

“Супер” хожи бу сафар ҳаждан бошқа гап топиб келди-да ўғлига яна захрини сочди: “Ҳов кўрнамак, мени отам деб дуоимни олмас экансан, билиб қўй, эртаю кеч намоз ўқиб, жойнамозни тешворганингда ҳам барибир дўзахга тушасан. Ота рози – Худо рози деб қўйибдилар”.

Ўғил бу гапларни билмайдимас, билади, жумаларда, амрумаъруфларда эшитган. Нима қилсинки, ўртада ҳалигиндек жарлик бўлса. Бу исқоти жарликни у қазибдими?

– Қойил, минг марта қойил, – чуқур хўрсинди қўшни шайтон.

– Ҳали кўп қойил қоласан, оёқни уқала...

– Ана шунақа, ўғилнинг ўлиб кетган чол ва кампирга меҳри бир дунёю олдида тирик юрган отаси билан онасига қолганда, меҳр деган нарсадан зиғирчаям йўқ... Ахир йўқ меҳрни қаердан олсин, ўғил бечора? Артистлик қилай деса, Худо кўриб турибди-ку.

– Воҳ, бечора ўғилга қийин экан, ҳа жуда қийин экан, – ачиниб кетди қўшни шайтон.

– Одам болаларига ачинма, ачиниб-ачиниб кафангадо бўбсан-ку, ўзинг...

– Шундай қилиб десанг кампир ҳам саёҳатни кўмсаб қолди-ку. Чоли икки марта усиз ҳажга бориб келганига аччиқ қилиб, ўзи умрага

жўнаворди. Воҳ, кампири тушмагур-е у ёқдан қанақа гап топиб келди, дегин: “Жаннат менинг оёғимнинг остида экан, шўртумшук, тиз чўк, товонимни ўп, бўлмаса товуқ-шўрвангни кўтар, бу уй-жойлар меники”, – деди ер тепиниб.

– Воҳ, нима у товуқ-шўрва? – ижикилади кўшни шайтон.

– Ҳе, ўқимаган товуқ мия, товуқ шўрва дегани бола-чақанг билан бу ердан кури дегани. Шу десанг ўғил шу куни ҳам қабристонга борди, бувижонисининг қабрига бош кўйиб, йиғлаб-йиғлаб оёқ тарафини ўпти...

– Қизик бўпти-ку... энди нима бўлади, кўшни?

– Дард бўлади... эртага чиксанг кўрасан, биттаю битта ўғилнинг “кўчиш” томошаси бўлади, хаҳ-хаҳ-ха-а...

ХУДО ҚАЧОН ХОҲЛАЙДИ?

Яқин танишим каминадан қарз сўраб келди. Пулим йўқлигини айтдим. Эртасига учратсам, бировдан топибди.

– Хат-хужжат қилиб олдингизми ишқилиб, – дедим?

– Ҳа, йў-ў-к, сизга ўхшаган қадрдон дўстим бўлади, бир-биримизга ишонамиз, – деди у қулиб.

– Кечирасиз-у менда ўша пул бўлганда ҳам, албатта, гувоҳ ва хат-хужжат билан берган бўлардим, минг қадрдоним бўлсангиз ҳам. Ахир Худо Қуръони каримнинг “Бақара” сурасида шундай қилинглар деб буюриб қўйган. Қандай

қилиб Худонинг айтганини қилмасдан бировдан каттагина қарз олиш мумкин? Эртанги кунингизга кафолатингиз борми?

— Ҳа энди, Худо хоҳласа қутулиб кетаман...

Ох, одамлар-а, одамлар-а... ўзлари Худо хоҳлаганни қилишмайди-ю, яна Худони хоҳлашга мажбур қилишади-я...

ИЖОБАТ БЎЛГАН ДУО

Маҳалла оксоқолини ёз кунлари мактабда очилган болалар оромгоҳига учрашувга чақиришди. Оксоқол ширинтой набираларига ўз болалиги ҳақида гапириб берди. Саволларига жавоб қайтарди. Болалар ўз навбатида шеър айтиб, кўшиқ айтиб отани кўп хурсанд қилишди. Қайтишида бир ёш муаллима отахонга ўз дардини айтиб қолди. Маълум бўлишича, у мактабни ўз уйидек, болаларни ўз боласидек кўрар экан. Шу... синф хонасини таъмирдан чиқаришибди-ю оёқнинг тагига қолганда кўллари калталиқ қилиб қопти. Оёқ тагига тўшалган тўшама (линолиум) эскириб, қишда болалар оёғидан зах ўтиб шамоллашяпти экан. Шунга рамазон ойи бўлгани учун маҳаллада закот берувчилар бўлса, қарашиб юборишса ёрдам бўлар экан.

— Ўзингизнимас, болаларни ўйлаяпсиз-ку, кизим, дуо қиламиз, Худо хоҳласа Аллоҳнинг ўзи етказди, — деб юзига фотиҳа тортди у.

Отахон муаллиманинг гапларидан таъсирланиб, энди ҳовлисига кириб турган эди ҳамки, муаллима кўнғирок қилиб қолди.

– Отажон, дуоингиз бунчаям тез қабул бўлди-я... сизга кўпдан-кўп раҳмат...

– Нима бўлди, қизим?

– Сиззи кузатиб, мактабга кирар-кирмасимдан орқамдан укам кириб келди. Закотддормаслигимни биларди. Шунга закотини обкелибди. Суюнганимдан ҳозиргина сиз билан бўлган гапларни унга айтдим. У бўлса “э, ўзингизга ишлатинг” деб мени иккилантирди, қўйди. Шунга сизга қўнғироқ қилаётган жойим. Агарда опамгами, акамгами қўнғироқ қилсам, биламан улар ҳам укамнинг гапини айтишади. Нима қилай?

– Синовга тушиб қолибсиз, қизим, – деди қария, – аслида Аллоҳдан савоб мақсадида сўраган эдингиз, мана Худо дарровда берибди. Яна бунинг устига укангизни анови гапи билан сизни иккилантириб ҳам қўйибди. Энди закот сизнинг ҳақингиз. Уни нимага ишлатишни ўзингиз биласиз. Мен бир нима дея олмайман. Лекин шуни биламанки, болалар оёғи тагига ташлайдиган тўшама то чириб, янгиси тўшалгунча сизга ҳам укангизга ҳам савоб бориб туриши аниқ. Балки бу ишингиз Аллоҳга ёқиб, келгуси йилга закот олувчимас, закот берувчи қилиб қўяр...

– Яхшиям сизга қўнғироқ қилганим, ҳозирок “Жомий”га (шаҳардаги қурилиш дўкони расгалари) бораман-да, айтган нарсамни олиб, ўзимни хотиржам қиламан.

– Баракалла, қизим...

Отахон шундай деди-ю, муаллима тушмагур яна айниб қолмасмикан деган ўй ҳаёлидан

кечди. Эртасига муаллима кўнғирок қилиб, “синов”дан ўтиб олганини маълум қилди. Ота-хон эса яна дуога қўл очди...

БУВИЖОНИСИНИ ЙИҒЛАТГАН НАБИРА

— Бувижон?

— Лаббай, болажоним.

— Сиззиям ойиз боми?

— Вой гапинг бор бўлсин-а, ойим бўлмаса мен қаттан туғиламан, болам, қаердаги гапларни топасан-а.

— Ойиз қани, бўлмаса?

Буви бир қалқиб тушди. Ахир у отасини ҳам онасини ҳам билмайди. Олти ойлигида ғирт етим бўлиб қолган. Опаси катта қилиб, опаси турмушга узатди. Худога шукр бола-чақали, Аллоҳ мана бунақа бийрон набиралар берди... У “Ойиз қани” деган саволга нима деб жавоб беришини билмай:

— Ойимларми, ойимлар шу... юлдузга айланиб хув-в... осм-о-о-нларга чиқиб кетганлар, — деб жавоб берди.

— Юринг унда ҳовлига чиқайлик, ойиззи осмондан чақирамиз, — тортқилади набира.

— Ҳозир чакиролмаймиз-да болажоним...

— Нимага, чакиролмаймиз?

— Ҳозир осмонда юлдузлар йўқ-ку.

— Ҳа... қачон бўлади юлдузлар?

— Кечаси бўлади-да, оймома ҳам кечаси чиқади.

Бола индамай қолди. Буви бир оз хотиржам

тортди. Қоронғи тушганда набираси ухлаб қолади. Бола-да, билмай ярасини янгилаб қўйди. Оҳ, ота-она меҳри қанақа бўлади, ўзи, уларнинг эркалашлари-чи? Шу ёшида ҳам боладек ана шуларни кўмсайди буви бечора.

Лекин буви ўйлаганчалик бўлмади. Набира-си тушмагур уйкуга ётмай, юлдузлар чиқишини ҳақ деб кутиб ўтирди. Қўярда-қўймай бувижонисини ҳовлига олиб чиқди.

– Чақиринг ойиззи, мени кўргим келяпти, кўриб, кейин ухлайман, – деди набира тушмагур.

Оҳ болажон-а, воҳ болажон-а, бувижонингни қийнаб қўйдинг-ку... Ўзи кўрмаган, ҳатто, тасаввур ҳам қила олмайдиган онажонисини чақириб бер дейсан-а? Нималар қилиб қўйганингни биласанми? Билмайсан-да. Ўлиб қолган деган гапларни ҳали тушунмайсан. Ҳаётда етим бўлиб қолиш деган гапларни билмайсан. Илоҳа билмагин-а.

Бувижоннинг томоғига бир нима тикилди. Набирасининг бошини силади, пешонасидан ўпди. Кейин:

– Ўзинг чақирақол, болам, мени қийнама, ҳўп деяқол, – деди.

– Йўк ўзиззи ойиззи, ўзиз чақиринг... – деб кўзлари чақнаб осмон тўла юлдузларга тикилди, болақай. Бувижониси ҳазин ва титроқ овозда:

– Ойижон... ой-и-и... – деди-ю ҳиқиллаб қолди. Набираси юлдузли осмонга узоқ тикилиб турди. Кейин бувижонисининг йиғлаётгани кўриб, қўлчалари билан у кишининг кўз ёшларини артиб:

– Йиғламанг бувижон, йиғламанг, бугун тушмасалар эртага тушадилар, хўпми, – деди?

ЗАМОНГА БОҚ...

Ота тоғдаги боғ ҳовли (дача)га чиқди-ю бир ҳолатга кўзи тушиб, ғалати бўлиб кетди. Ногаҳон кўз олдида фарзандларининг кўл телефонлари, планшетлар, компьютерлари келди. Ажабо, уларнинг тугмачасини босиш билан лўп этиб, жажжи набираларининг кулиб турган суратлари чиқиб келади. Кўриб, кўзинг яйрайди. Лекин на отанинг, на оқ ювиб, оқ тараган онаизорнинг сурати чикмайди. Ота шу пайтгача бунга кўпам эътибор бермаганиди. Бола ширинда деб кўя қолган ва айти пайтда болаларининг болажонлигидан хурсанд ҳам бўлиб юарди. Лекин...

Ота ҳам бир пайтлар ўғил-қизларидек ёш бўлган. Бир куни уйларида суратчи келиб, халтасидан бир нуроний чол-камбирнинг суратини олди-да: “Хўп десангиз, ота-онангизни суратини машунақа қилиб ишлаб бераман”, – деди. Ўшанда “портрет ишлатиш” росаям урф бўлган пайтлар эди. “Бунинг ҳечам иложи йўқ, отам ўтиб кетганлар” деди у. “Қаранг-чи биронта суратлари бордир, онангиз ҳаёт эканлар, қолганини эплаштирамиз, бир умрга эсдалик бўлиб қолади-да”. У ғаладонни қовлаштириб отасининг қандайдир ҳужжат учун тушган тирноқдек суратини ва онасининг ўзи билан тушган суратини топиб олди. “Бўлди, – деди суратчи, – келгуси ҳафтага ойнавондли рамка-

га солиб, олиб келаман, уйнинг тўрисиغا илиб кўясиз, кўрганлар воҳ демаса мен кафил”. У пулини ҳам тайёрлаб қўйишини айтди. У айтган пулга битта она-бола эчки ёки қўй сотиб олса бўларди. Майли, ўша пул ота-онасидан азиз бўптимиз, бир тарафи онажониси кўриб хурсанд бўлади-ку. Аслида у киши болаларининг адаси билан ҳечам суратга тушмаган эдилар.

Суратчи ишини айтганидан ҳам зиёда қилиб олиб келди. Худди отаси тирилиб келгандек, уйда байрам бўлиб кетди. Суратчи отаси билан онасини шундоқ ёнма-ён қилиб, чизган эдики, онаси бунақа қилиб суратга тушмовдим-ку деб уялганидан тескари қараб олди. Роса кулишди... Сурат хонанинг тўрига илиб қўйилди. Кўрганларнинг бири отангизга ўхшаб кетар экансиз деса, бошқаси онангизга ўхшаб кетар экансиз дейишарди. Бу ўғилга жудаям ёқарди.

Кейинчалик ўзи ҳам болаларининг онаси билан худди шундоқ суратга тушди ва ўғилларини уйлантирганда биттадан ҳадя қилиб юборди. Ахир ота-онасининг сурати у учун қанчалик азиз бўлса кампири икковининг сурати ҳам фарзандларига шунчалар азиз бўлиши керак. Улар ҳам адангизга ўхшар экансиз, ойингизга ўхшар экансиз деган гаплардан бир коп семириб юришади.

Лекин... Ҳа, замонлар ўзгарди, суратларни хона тўрисиغا илиб қўйишлар урфдан чиқди. Замонавий уйларга ярашмай ҳам қолди. Мана, исботини ўз кўзи билан кўриб турибди. Бир вақтлар аллада азиз бўлган суратлар-

ни дачага обкелиб ташлашибди. Ҳатто девор-га илиб қўйишни ҳам эп кўришмапти. Ҳай, илиб қўйганда суратларни ким кўради? Бундан ташқари, суратли уйга фаришта кирмайдиган гаплар чикди. Ўзлари дачага икки-уч ҳафтада бир келишса? Ўшанда ҳам хоналарга бош суқишмайди. Ташқарида, табиат қўйнида бўлишади. Бу суратлар энди ортикча юк бўлиб қолибди. Суратлар деворлардан, альбомлардан телефонларга, компьютерларга кўчди. Замон сенга бокмаса сен замонга бок...

Ота суратларни аста рамкаларидан чиқариб олди-да ёқиб ташлади. Ўзи билан боғлиқ баъзи суратларни ҳам. Ота кейинчалик бу ишни жаҳл устида қилиб қўйдимми деб ўйлаб ҳам юрди. Аммо кейинчалик тўғри иш қилганини англаб етди. Фарзандларидан бирортаси дачада суратлар борида, йўқолиб қолибди, демади...

ГИЛОС

Май ойининг бошларида ховлидаги гилос ғарқ пишди. Ҳар йили ҳосилни териб, қўни-қўшниларга тарқатишарди. Бу гал ундай қилишмади. Иккита катта тоғорага териб, қариялар уйига жўнатиб юборишди. У ерда ким нима олиб келса ёзиб-чизиб қўйиш одат бўлган экан. Мақсад қариялар миннатдор бўлишса ўз оғизларидан ҳадя эгаларига етказиб қўйиш. Ахир саломга яраша алик ҳам бўлиши керак-да. Кечга томон бир онахон қўнғироқ қилиб, шундай деди:

– Раҳмат сизларга, жуда катта раҳмат, ўйлаб

кўрсам гилосга оғзим тегмаганига тўққиз йил бўлган экан...

ЧОРРАҲАДАГИ ТАРБИЯ

Иброҳимжон машинасида борарди. Олдиндаги уловнинг орқа ўриндиғида ота-бола ўтиришар, болакай қизиқиш билан, чўккалаб олиб, орқадан келаётган машиналарни томоша қилар, кўлидаги сувни тўхтамай ичарди. Бир маҳал болакай сувни ичиб бўлди шекилли, салондан бўш идиш ташқарига учиб чиқди. У Иброҳимжоннинг уловига урилиб, нари тушди. Идишни болакай эмас, ота бўлмиш отиб юборган эди. Иброҳимжоннинг пешонаси тиришди. Лекин на илож...

Шу пайт машиналар чорраҳада тўхтаб қолди. Иброҳимжон жимгина кетадиганлардан эмас. Машинасини олдиндаги уловга яқин олиб борди-да:

– Дўстим, болангизнинг олдида яхши иш бўлмади-да, – деди?

– Нима бўлди? У ҳайрон бўлиб, олдин ўғлига кейин Иброҳимжонга қаради.

– Эртага ўғлингиз машинадан бўш идишмас, унданам каттароғини отворадиган бўлади. Қуш уясида кўрганини қилади, дейишади-ю...

Ота хатосини тушунди ва бир ҳаракат билан Иброҳимжондан узр сўраган бўлди. Қизил чироқ яшили билан алмашди. Машиналар жойидан кўзгалди...

КЕЛИН

Ёшлар оила куришди. Келинни бўйида бўлди. Бунни эшитган эри бирдан босар-тусарини билмай қолди. “Мана кўрасан хотин, боламиз ўғил бўлади, у туғилгунча четга бориб битта машинанинг пулини ишлаб келаман, ха”. Эр шу кетганича бадар кетди. Чиндан ҳам хонадонда ўғил туғилди. Бирок на эридан ва на машинадан дарак бор? Келин боласини бағрига босиб қайин ота, қайин онанинг хизматини қилиб, иссиқхонада ишлаб, рўзғорга пул олиб кела бошлади. Тик этган овози йўқ. Хизматда – келин, меҳрибонликда – қиз, топиш-тутишда бамисоли бир ўғил. Эрига, никоҳига садоқатли ёр.

Уйдагилар ўғли кетган томонлардан қайтган кишилар борки сўраб-суриштиради. Кетаётганларга тайинлаб юборади. Аммо ўғилнинг ўлик-тиригидан дарак йўқ. Қуда томон бирикки келиб, қизини олиб кетадиган ҳам бўлди. Қизи бировнинг никоҳидаман деб унамади. Баъзилар эринг ўлиб, аллақачон ердан кўкариб чиққан, ёш умрингни хазон қилма, деб совчи ҳам қўймоқчи бўлишди. “Ўлгани ҳақида гувоҳ ва ҳужжат келтиринглар” деб оёқ тиради келин.

Орадан йиллар ўтди. Дом-дараксиз кетган ўғилнинг фарзанди мактабга борадиган бўлди. Шунда биттаси ота-онага ўғлининг тириклиги ҳақида гап топиб келди, ҳатто унинг телефон рақамини ҳам берди. Ота билан она роса қувонишди. Аммо тезда тўнларини тескари кийди. Беоқибат ўғилни ёзғира бошлашди. Ахир

тирик экансан, ҳеч бўлмаса ойда-йилда бир хабар бериб қўймайсанми, ноинсоф. Ота-онангни ўйламасанг, хотинингни ўйла, ахир у бировнинг боласи-ку. Бу ёқда суксурдек ўғлинг бўлса!

Шуларни ўйлаб, хабарни келинига айтишга шошилишмади. Олдин ўғил билан гаплашиб олмоқчи бўлишди. Балки инсофга келиб, уйга қайтар. Ўғил қайтмаслигини ўша ёқда бола-чақа қилганини айтди. “Бу хотининг-чи дейишса, ҳалиям ўтирибдими сизларга юк бўлиб, ҳайдаворинглар боласи билан кетсин” деган жавоб бўлди. Бу гапларидан кейин ота-она ўғлини танимаёқ қолди, ундан тириклайин айрилиб қолганини билишди. Оҳ, бу гапларни келинига қандоқ қилиб айтишади? Шўрликкина хулқи, одоби билан хонадоннинг эти, тирноғи бўлиб кетган эди-я... Оқибатсиз ўғли ўрнида оқибатли ҳам ўғил ҳам келин бўлиб қолган эди-я... На илож касални яширсанг иситмаси ошкор қилади. У ёқда ўғли ҳақида хабар олиб келган одам жим юрармиди? Қайинота билан қайинона бўлмиш минг азобда бор гапни келинига айтишди, бундан буёғига боши очиғлигини, хўп деса ўз қизларидек қилиб муносибига узатишларини билдиришди. “Йўк, – деди келин, – “талоқ қилдим” деган сўзларини мен ўз оғизларидан эшитишим керак, сизларнинг айтганингиз ўтмайди”. Шундай ҳам бўлди, ўғил ота-онасининг гувоҳлигида телефон орқали хотинининг талоғини берди. Шундан кейин келин қайинотаси билан қайинонасига таъзим қилиб, уйларида яна тўрт ойю ўн кун идда ўтиришга

рухсат сўради. Бу гапни эшитиб ота билан она дод деб йиғлаб юборишди...

АРАФА ОШИ

Арафа куни кампирим кўчадан гап топиб келди.

— Янги кўчиб келган кўшнимиз бор-ку, бизнесмен, ўша росаям ишнинг кўзини биларкан-да...

— Ишнинг кўзини билмаса бизнесмен бўладими, бизнесмен, дегани ишнинг кўзини билади дегани бўлади, хўш, нима қипти бизнесмен кўшнимиз?

— Анови мелиса болалар бор-ку ўшаларга арафа оши қилиб беряпти экан.

— Ол-а... — деб кулиб юбордим, — милиса болаларнинг унинг бизнесига ҳечам алоқаси йўқ, билсанг. Улар қоровуллик хизматининг йигитлари. Шундай дедим-у ўзимдан-ўзим бир қалқиб тушдим. Маҳалламизда туман қоровуллик хизматининг идораси бор. У ерга кечасию кундузи арининг уясидек формали йигитлар кириб-чиқиб туради. Тунги шаҳар кўчалари, маҳаллалар, хиёбонлар, боғларининг тинчлиги, мол-мулкларнинг дахлсизлиги уларнинг назоратида бўлади. Лекин ҳеч қайсимиз, анови янги кўшнидек уларнинг арафа оши ҳақида ўйламаймиз? Ахир ўттиз кун рўза ичи масжидларимиз тинчлигини шулар кўриқлашди-ку. Ҳайит байрамимизни ҳам хотиржам, чиройли ўтишига шулар камарбаста-ку. Нимага улар бизни ўйлаганда, биз уларни ўйламас эканмиз?

Ахир уларнинг ҳам арафа оши егиси келмайди дейсизми? Эй бандаи ғофил, мен кўпроқ ўзимни айблардим. Нимага менинг хаёлимга келмади экан арафа оши қилиб бериш?

Уйда арафа ошини еб, ифторлик қилиб бўлгач, марҳаматли, қўли очиқ бизнесмен қўшнининг ҳақиға ҳам алоҳида, ғойибона дуо қилдим.

ТИНЧ ЖОЙ

(Ривоят)

Бир одам улкан бир кемада сафарга чиқибди. Умрида биринчи марта денгизда сузиши экан. Кема кирғоқда турганда кўзига гўё ердан ҳам катта кўринган экан. Очиқ денгизга чиққанда кейин шундай улкан кема кўзига пистанинг пўчоғидек кўриниб кетибди. Денгиздаги ҳар тўлқинларки кемани ютаман дермиш. Ҳалиги одамнинг жони кўзига кўриниб, ўтакаси ёрилиб, додлай бошлабди. Унинг дод-войидан бошқаларнинг ҳам юрагига ғулғула тушиб, тинчи бузилибди. Кема дарғаси бошқаларни бир амаллаб тинчитган бўлармиш-у лекин анови одамнинг овозини ўчира олмасмиш. Шунда бир одам кема дарғасига депти:

— Рўхсат этсангиз, мен шу одамнинг овозини ўчирсам?

— Қанийди, — дебди кема дарғаси хурсанд бўлиб, — нима қилсангиз қилинг-у ишқилиб, кемамда тинчлик бўлсин. У шундай деб ўз иши билан кетибди.

Ҳалиги одам кўркқанидан кўзи косасидан чиқиб бақираётган кишини шартта оёқ-қўлини боғлабди-да, арқонга боғлаб, денгизга улоқтириб юборибди. Турганлар “воҳ, ўлди бечора” деб ачинишибди. Бир оздан кейин уни пастдан тортиб олиб, оёқ-қўлини бўшатибди. У жиммиш. Олдингидек бақириб-чақирмасмиш. Қайтага ён-атрофига қараб, хурсандлигидан кулармиш. Кемани бир айланиб келган дарға, бу ҳолни кўриб ҳалиги одамдан сўрабди:

– Нима қилдингиз-у, бу одам бақир-чақирнинг ўрнига куляпти?

– Ўзидан сўранг?

Сўраган экан ҳалиги одам денгиз ичини кўрсатиб:

– У ёқдан кўра бу ёқ минг марта тинч экан-у, билмапман, – дебди.

Воқеадан хабар топган кема дарғаси ақлли, доно йўловчисига ўз миннатдорчилигини билдирибди...

ХУДО ХОҲЛАСА, ЧОЛИНГМАН...

(Ҳангома)

ТАНИШУВ

Ҳамхонам билан ишхонамизнинг дам олиш уйида учрашиб қолдик. Аслида битта корхонада ишлар эканмиз-у лекин иш юзасидан бақамти келмаган эканмиз. Мен нафақага чиққунча ишхонанинг нуфузли жойларида ишлаганман. Бу кишим оддий ишчи бўлганлар. Бизни бақамти қилган нарсa нафақага чиққанимиз-у

качонлардир йўқотган соғлигимизни тиклаб олишга фурсат етгани. Менинг шикоятим оёқдан. Тиззага туз йиғилган. Бирини боссам, иккинчиси жойидан кўзғалмайди. Шеригимники қувватсизликдан. Унинг биринчи саволи шундай бўлди:

– Хуррак отмайсизми, ака?

Томдан тараша тушгандек бу гапи менга ёкмади. Мен унга хуррак отадиган одамга ўхшайманми дегандек қарадим. Кейин ўзини ёш санаб, “ака” дегани-чи?

– Каминани ака деманг, йилингиз илон экан, биз тенгдошмиз, – дедим ва исми шарифимни айтдим.

Гапимдан унинг кўзлари орқага кетиб, хайратга тушди.

– Э, сиз қаттан биласиз илонлигимни?

Боя ҳужжат тўлдираётганда ҳамширага “Бир минг тўққиз юз қирқ биринчи йил” деб жавоб бергани кулоғимда қолган эди. Менинг ҳам йилим илон.

– Ҳа энди, биламан-да... – деб у ёғини айтмай кўяқолдим.

– Қойилман, сизга, иш истажингиз қанча? – ҳозиргина тоғдан келган ҳамхонам, энди боғдан келди.

– Қирқ биринчи йил одамларига истажни нима аҳамияти бор, – дедим баттар энсам котиб.

– Айтовринг-чи? – деди худди иш истажидан бир ҳикмат топадигандек.

– Қирқ беш йил, нимайди?

– Меники ўттиз беш йил, кўрдингизми, иш

истажи бўйича барибир акам экансиз, ака — деди у кулиб. — Хурракни ўзим отаман, шунга сўраган жойим, — деб ерга қаради у.

— Ҳа, энди кемага тушганнынг жони бир. Хуррак отмайдиган одамни қидириб мен қайга бордим-у, сиз қайга борасиз. Бу ерда иккала-миздан бўлак қария йўққа ўхшайди, бари ёшлар. Муолажа бошланса шундоғам қотиб ухлайликки, бир еримизни кесиб кетса ҳам билмай қолайлик.

— Айтганингиз келсин, ака, ишқилиб бу ердан гижинглаган отдек бўлиб кетайлик-да, бир кампирларимиз танимай қолсин.

НЕЧАНЧИ ҚАВАТДАМИЗ?

Қаранг, одамнинг пешонаси “тақ” этиб бир нарсага тегмагунча кўзи очилмайди. Камина икки тиззамга қиздирилган малҳам, ҳамхонам массаж олиб, учинчи қаватга кўтарилгунча она сутимиз оғзимизга келди. Зиналарнинг ҳар бири бир тоғдек кўриниб кетди кўзимизга. Шеригим анчагача каравотида войвойлаб, байбайлаб ётди. Ўзим иккала оёғимни қайга қўйишни билмайман. Малҳами тушмагур ўлган илоннинг бошини баттар қўзғавордиёв. Тишимни тишимга қўйиб, сир бой бергим келмайди. Ҳар қалай мен ишхонада нуфузли лавозимларда ишлаган одамман. Шундай бўлгач, энди ишхонанинг нуфузини ўйлашим керак. Бирдан у киши инграб, деди:

— Ака, биз нечанчи қаватдамиз ўзи?

Бу саволдан кейин кўзим “ярқ” этиб очилди. Вой дўхтири тушмагурлар-эй, келиб-келиб

икки бирдек қарияни охирги қаватга обчиқиб қўйишадими-я? Жаҳлим чиқди. Тавба, бу нима қилганлари? Кечагина соямга салом беришарди-ку. Аммо мулоҳаза қила бошладим. Балки қариялар биринчи қаватда оёқости бўлишмасин, шовқин-сурондан узоқроқ бўлишсин деб шундай қилишгандир. Касаба уюшмасининг раиси мажлисларда нуқул кексаларни бошимизга кўтарамиз дер эди-ку. Балки бошга кўтариш шунақадир. Бунинг устига бош дўхтир билан салом алигимиз бор, бир нима ни ўйлаганки охирги қаватдан жой берган. Шу пайт миямга келган бир хур фикрдан яйраб кетдим. Ҳа, тиззамнинг зирқираши ҳам эсдан чиқди.

— Сиз тушинмаяпсиз, биродар, — дедим унга, — дўхтирлар ҳам анойи эмас, атайлаб бизга юқори қаватдан жой беришган.

— Нима дедингиз? — дея кўзлари катта-катта очилиб кетди ҳамхонамнинг.

— Сиз билан биз қариб, ўлгудек дангаса бўлиб қолганмиз, ўн, ўн беш кун шу зиналардан чиқиб-тушиб турсак, ўзингиз айтгандек ги-жинглаган отдек бўлиб кетамиз, мана кўрасиз, кейин кампирларимиз танимай қолади. Бу ҳам даволашнинг бир йўли-да!

— Э, шунақа денг, мен бўлсам осмони-фалакка обчиқиб қўйди деб дўхтирлардан хапа бўлиб юрибман. Бу бино неча қаватли экан ўзи, ака?

— Уч қаватли.

— Яхшиям саккиз, ўн қаватмас, бўлмаса нақ онамизни кўрар эканмиз-да?

Тўқиган ёлғонимга ўзим ҳам ишониб кетдим...

АНТИҚА ВАННА

Хонамиз узун каридорнинг ўнг тарафида. Чап тарафдаги хоналарга кун бўйи офтоб тушмайди. Салқин, маза. Бунинг устига устига “люкс” деб ёзиб қўйилибди. Совуткичлари ҳам бор. Кечасию кундузи ишлаб ётади. Аммо биз ётган тарафни офтоб роса ўн саккиз соат киздиради. Камига ёнимиздаги ҳаммомнинг тоmidан кўтариладиган ҳарорат ҳам қўшилади. Хонамиз бамисоли това. Кундуз кунлари соя-салқинларда айланиб юрамиз. “Тихий час”га кирмаймиз. Хона дўзахнинг ўзи. Энг даҳшатлиси бу кеча, хона дим бўлади.

Лекин бундан ҳам бир ҳикмат топишга ҳаракат қиламан. Хаёлимга яна бир хур фикр келади.

— Сиз жуда бесабр экансиз, — дейман шеригимга маломат қилиб, — бу хона унча-бунча оддий хоналардан эмас, ҳа антиқа хона. Бу хонанинг тунги ваннаси ўзи билан. Одатда боғбонлар думбилроқ меваларни бозорга обчиқишдан олдин мана шунақа хоналарда, димлаб, пиширишади.

— Э, бундан чикди бизам пишяпмиз, экан-да?

— Ҳа ўлманг, гижинглаган отдек бўляпмиз. Бу хонани биздан кейин қанчадан-қанча бел оғрик, оёқ оғриқ касаллар кутиб турганини билсангиз эди.

Ҳамхонам гўё ўзининг укувсизлигидан уяладими, ишқилиб жимиб қолади. Тўқиган бу ёлғонимга ўзим ҳам ишона бошлайман.

ҚАНОТЛИ ЗУЛУКЛАР

Кутилмаганда тунги ванна ёнига бошқа бир “муолажа” ҳам қўшилиб қолди. Ҳали у еримизни, ҳали бу еримизни бир нималар жазиллатиб чақади. Чаққан жойлари зум ўтмай данакдек-данакдек бўлиб ишиб чиқади. Фарт-фарт кашина бошлаймиз. Шеригимнинг қувватсизлиги ёнига бел оғриғи ҳам қўшилди. Ҳойнахой массаждан кейин, елвизакда қолганов. Чақаётган нарса чивинми, қондалами, билиб бўлмайди? Чирокни ёқсам чивин экан, кургир. Лекин “ғин-г-г” деган овози йўқ.

– Тавба, – деб бесаранжом бўлади шеригим, – бу ернинг чивинлари ҳам ғалати экан, индамай туриб жонингни олади-я, падарингга лаънат.

Калламга яна хур фикр келиб қолди. Бир журналда ўқиганим бор. Эркак чивин чакмайди. Унинг вазифаси қон исини олиб ғинғиллаб урғочиларини чақиради. Урғочиси бировнинг қонини ичмагунча тухум қўя олмайди. Ўзидан зурриёт қолдиришнинг йўли шунақа. Бундок эътибор қилсам тиззамнинг кўзини чивин чақяптими-чақмаяптими, фарқи йўқ. Барибир қақшаб оғриб ётибди.

– Э, эсим курсин, – дедим атайлаб шеригимниям, ўзимниям ишонтирган бўлиб, – ахир булар оддий чивинмас, қанотли зулуклар-ку.

Белни расмана яланғочлаб ётинг, бир ҳаром қонларни сўриб олишсин, эрталабгача ўзингиз айтгандек гижинглаган отдек бўлиб кетасиз.

– Ана халос, – дейди шеригим бир аҳволда, – даволанишнинг бунақа йўллари ҳам бор денг?

– Ҳа, бу чивинлар атайлаб урчителиб, кечаси кўйиб юборилади, ана шунақа.

Шундай қилиб, чивинларга ем бўлиб, яна бир тонгни оттирдик. Аммо оёғимни танимай қолдим. Ғадир-будир тўнкага ўхшаб қопти. Шеригимга қарасам қорни билан бели теп-текис. Майли, нима бўлганда ҳам ҳамхонам олдида дийдиё қилишим яхшимас. Шавла кетса-кетсин-у обрў кетмасин.

МАЙДА ҚАДАМ

Ҳар куни шеригим кечки овқатдан кейин бир чойнак, икки чойнак чойни кўрдим демайди. Дам олиш уйининг сувини мақтагани-мақтаган. Менга жон битади. Сувнинг маъданли эканини, неча юз метр чуқурликдан олинишини, бунақа шифобахш сув фақат шу ердагина борлигини айтаман.

– Ичовринг, бу ернинг суви юздаги ажинларни олади, мулойимлашиб, силлиқ тортиб қоласиз. Уйга борганда кампирингиз танимай қолади, ҳа.

Нимагадир у киши кейинги кунлари чойдан тийилиб қолди. Бунинг сабаби аниқ. Ўзим ҳам буни сезяпман. Парҳез овқатлардан совуқлигимиз ошиб кетди. Кофе, новвот чойлар ҳам таъсир қилмай кўйди. Аксига олиб, кеча-

си учинчи қаватга сув чикмайди. Сув бўлмагач, ҳожатхона ҳам ишламайди.

– Нимага бу қаватга кечаси сув чикмас экан-а? – арз қилган бўлади шеригим.

Мен яна ўз пластинкамни айлантираман:

– Сув йўқ эмас бор, атайлаб ўчириб қўйишган. Биз кечаси ҳам камида икки, уч марта биринчи қаватга тушиб чиқишимиз керак, – дейман-да у кишидан олдин майда қадам бўлиб, йўл бошлайман.

Охири чатоқ бўлди. Маъданли, мактовли сувимизни ер тагидан тортиб берадиган мосламаси куйиб қолди. Икки-уч кун сув бўлмаслигини билиб қолдим. Мен буни ҳам бирон нарса билан боғлашга уриниб кўрдим. Қалламга дурустрок хур фикр келмади. Келди, келгани шу бўлдики, шеригим уқалатишга тушиб кетганда ундан ғойибона узр сўраб, қочвора қолдим. Уйга келсам ростдан ҳам кампирим аҳволимни кўриб танимай менга анграйиб қараб қолди.

– Ҳайрон бўлма, Худо хоҳласа чолингман, дедим унга...

ПОМИДОР

Отанинг куёви деҳқончилик билан шуғулланарди. Бир куни киш чилласида ўғилчаси билан помидор кўтариб келиб қолди.

– Парникдан, – деди завқланиб, – тўрт дона кизарибди, олдини сизларга олиб келдим, ойим билан еб, дуо қилинг.

Ота куёвининг деҳқончилигига барака сўраб

дуо қилди. Кейин ҳадядан иккита каттасини четга ажратиб, кампирига деди:

– Шуни сувхалтага соб қўйсинлар, қўшни ўртоғимнинг сал тоби қочиб турибди, янгилик, зора оғзига ёкса...

– Дода, – деди ҳалидан бери жим ўтирган на-бира тилга кириб.

– Лаббай, тойчоғим.

– Памилдорининг катталарини бувим билан ўзила емайсизларми?

Ота набиранинг меҳрибонлигидан хурсанд бўлиб, кулди-да:

– Унақа қила олмаймиз-да, болам, – деди.

Набира ҳайрон бўлди:

– Нега унақа қилолмайсиз, бобо?

– Ўзимнинг зийрак болам, – деди бобо уни бағрига тортиб, – у кулоғинг билан ҳам, бу кулоғинг билан ҳам эшитиб ол, болам. Пай-ғамбаримиз (алайҳиссалом): “Сизлардан бирор-тангиз то ўзи яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунича комил мўмин бўла олмайди”, деганлар. Сен, болам, тўғри айттинг, ҳамиша меванинг каттаси ширин бўлади. Лекин биз яхшисини ўзимиз еб, ёмонини бошқаларга берсак, унда ёмон одам бўлиб қоламиз, уқдингми?

– Бобожон, менам энди ўртоқларимга энг яхши кўрган нарсаларимни бераман, бўптими?

– Бўпти, болам, ҳамиша шундай қил.

ХУШХУЛҚ ВА БАДХУЛҚ

(Ривоят)

Икки киши узоқ сафарга чиқишди. Бири хушхулқ, иккинчиси бадхулқ. Хушхулқлиси бадхулқлидан кўп азият чекди. Ундок қилма, бундок кил деб чарчади. Барибир йўлга сола олмади. Ажрашиб кетай деса бошқа йўлдош йўқ. Борадиган манзиллари бир. Ҳамма ёқ чўли биёбон, кум сахро. Ахири бир кум тепаликка чиқди-да: “Эй Худо, йўлдошимнинг ёмонликларидан кутулиш учун ўлимимга ҳам розиман”, – деб ёзиб қўйди. Шу билан сал кўнгли бўшагандек, таскин топгандек бўлди. Унинг ёзганини ўкиб, бадхулқ одам кулиб қўйди. Бир оз юргач, сахро тугаб, олдиларидан каттакон дарё чиқди. Бадхулқ дарёдан сузиб ўтиб, бундок орқасига қараса ҳамроҳи нариги қирғоқда ўтирганмиш.

– Ўтмайсанми, бўл? – деб қистади у.

– Сузишни билмайман.

– Ҳозиргина мендан кутулиш учун Худодан ўлим сўраган эдинг-ку, ана, дарёга ташла, ўласан-кетасан. Сўзингда турда, номард!

Маломатга чидай олмаган хушхулқ бор-е, деб ўзини дарёга отди. Сув уни бамисоли хасдек чирпирак қилиб оқизиб кетди. Аммо бадхулқ шу заҳоти ўзини дарёга ташлаб уни эсон-омон сувдан олиб чиқди. Ўлимдан қуткарди.

Хушхулқ одам ўзига келиб дўстининг яхшилигини катта харсангга ўйиб ёза бошлабди.

– Нима қиласан тошни ўйиб, ўзингни қий-

наб, – дебди бадхулқ, – осонгина кумга ёзақол-майсанми?

– Йўқ, – дебди у, – ёмонлик кумга ёзил-са шамол уни учиради-кетади, яхшилик тошга ўйилиши керак, у охиратгача боради.

ДОДАСИНИ ЎЙЛАГАН НАБИРА

Қишли-қировли кунлар яқинлашганда на-бира додасини ўйлаб қолди. Додаси беш вақт намозга қатнардди. Машинани ўзлари минар-ди. “Масжидда ўқисам уйдагига қараганда йи-гирма етти баробар кўп савоб оламан-да”, деб мақтаниб ҳам қўярдилар. Шунга набира қиш кунлари машиналари панд бериб қўймасин деб, кўрсатиб олиш учун устага олиб борди. Бош уста машинанинг у ёқ-бу ёғини кўриб, камида икки кунлик иши борлигини айтди.

– Икки кун дейсизми, вох, – дея набира-нинг пешонаси тиришди. – Биласизми до-дам бу машинада ҳар куни беш маҳал намозга қатнайдилар. Жамоа билан ўқиган ҳар бир на-мозга йигирма етти баробардан савоб оладилар. Икки кун бу – ўн маҳал жамоат намози дега-ни. Биласизми нечта савобдан қолиб кетадилар? Икки юз етмишта! Агарда тезроқ тузатиб бер-сангиз сиз ҳам ўшанча савобга шерик бўласиз.

Уста набиранинг бу гапларидан хангу манг бўлиб қолди. Бошқа машиналарни чўқиладган шогирдларини тўхтатиб, тезда доданинг маши-насини кўриб беришга буюрди.

НОМИГА МОС СУПЕРМАРКЕТ

Нажотбек маҳалласи бошида очилган супермаркетга кирди. Ишдалигида хотини телефон қилиб, рўзғор учун керак нарсаларни тайинлаган, мабодо пулингиз ортиб қолса, деб яна учта нарсанинг номини айтган эди. Аксига олиб Нажотбек ўша учта нарсанинг рўпарасидан чиқиб қолди. Хотини нима учун айнан шу учта нарсани айтганини билди. Бечорагина олдиниға эрининг чўнтагини ўйлаб шу нарсаларнинг таъмини берадиган сақичлар олдириб юрди. Бош фарзандида ҳам шунақа нарсаларга бошқоронғи бўлган эди. Пулини чамалаб кўрди. Йўқ, рўзғоргагина етади. Ҳатто бир дона ҳам ололмас экан. Нархлари бунча осмонда буларни? У харидорларга халақит қилаётганини сезиб, дарров нари кетди. Хотинини бугун ҳам сақич билан алдайди, энди.

У рўзғор учун зарур нарсаларни ва уч хил арзон сақичлардан ҳам олди-да, пулини тўлаб, чиқиб кетаётган эди, бир аёл уни тўхтатди. Таниди, супермаркетнинг эгаси Зийрак опа. Супермаркетнинг номи “Зийрак” бўлганига ҳамма уни Зийрак опа деб чақиради.

– Мана ука, – деди у сувхалтадаги апельсин, банан, мандаринларни унга тутказиб, – уйга олиб боринг, ҳойнаҳой келин бола бошқоронғи бўлса керак, пулингиз бўлганда ташлаб кетарсиз.

– Э, опа қатган билдиз? У дарровда дўкондаги кузатув камерасини эслади. Ундан опа аҳволимни кўриб турган экан-да.

– Аёлмиз-да ука, бошимиздан ўтган. Бундан кейин бу масалада тортинманг, сиз пул топганингизда унда кеч бўлади. Ҳомиланинг соғлиғига таъсир қилиши мумкин.

Нажотбек уйга борар экан, беихтиёр дўконнинг номини эслади. “Зийрак”! Номига мос экан, деб қўйди ичида...

ТОҲИР МАЛИКНИНГ ЗИЁФАТИ

Тоҳир Малик бир куни Турсунбой Адашбоев, Орзикул Эргашев ва каминани зиёфатга таклиф қилди. Қаердалигини айтмади. Туш яқинлашаверсин ўзим кўнғирок қиламан, деди. Бирорта зўрроқ кафедра ўтирсак керак-да деб ўйладим. Ун бирларда кўнғирок бўлди. “Соат ўн иккида ЦУМ (Марказий универмаг)нинг олдида кутаман деди у. Бу ерда бир эмас, иккита хос ошхона борлигини биламан. Йиғилишиб келдик. Тоҳир бизни хос ошхоналар тарафга эмас, универмагнинг пешайвонида жойлашган “Бир зумда” кафесига қараб бошлади. Бу ерда чубереки, гўшли ва картошкали перашкалар сотиларди. Беихтиёр тўрт тийинлик перашка еб юрган талабалик йилларимни эсладим. Таомлари бундайроқ бўлса ҳам жойи кенг, очик, жудаям табиатли экан. Куз бўлганига сарғая бошлаган барглари офтобда ажиб товланар, баъзилари бандидан узилиб, ҳавода ҳайинчак ясаб, яшил майсалар устига охиста қўнарди.

– Ҳа, нимага хаёл суриб қолдинглар, буюринглари нима ейсизлар, – деди Тоҳир.

Бундоқ қарасак, оқ фартукли перашкачи қиз бизга кулиб, қараб турибди.

– Ўзингиз нима ейсиз?

– Иккита чубереки ейман.

– Сиз нима есангиз бизам шуни еймиз-да, – деди Турсунбой Адашбоев.

– Бундоқ ресторандагидек ранг-барангрок бўлсин-да, – дедим мен кулиб. Хаёлимда Тохир камхаржроққа ўхшарди.

– Орзикулга картошкалигидан обкеलाқолинг, у картошкани яхши кўради, – деди Тохир.

Қорин очлигига перашкачи қизнинг перашкалари жуда ширин татиб кетди, ёққа пишганигами иккитадан ортиқ еяолмадик. Тохир бу ерга тез-тез келиб туради шекилли, мезбон қиз нукул чойимиздан хабар олиб турди. Қорин ҳам тўйди, гурунг ҳам зўр бўлди.

– Бўлдим... қоринлар тўйдими? – деб Тохир нимагадир ғалати жилмайиб қўйди.

– Жуда, – деди Турсунбой Адашбоев, – бунақаси камдан-кам бўлади.

– Қизим, ҳисобни айтворинг, – деди Тохир узоқдан туриб.

– Тўққиз ярим минг...

Воҳ, дедим ичимда, шу пулга шунча одам тўйса бўларкан-ку? Тохирнинг нимагадир ғалати жилмайиб қўйганини энди тушундим. Беихтиёр “Одамийлик мулки” китобидаги ушбу сатрлар ёдимга тушди. Ёзувчимиз Аллоҳга ёлбориб: “Аллоҳим! Бизларни нафс васвасаларидан ва дунёнинг нафсоний лаззатларидан асра”, – дейди. Биз бўлса зиёфат деганда нималарни тушунамиз-у, нималарни кўз олдимизга келтирамиз. Мен бу зиёфатда ёзувчининг дил билан тил бирлигини кўриб турардим.

Шу ерда ҳикоямизни тугатсак ҳам бўларди, лекин... Тоҳир бизга қараб:

– Сизларга жавоб, сизлар ишлаганингизга пул оласизлар, мен ишламаганимга, – деди.

– Уйга кетасизми, машинангизгача кузатиб кўямиз, – дедим мен. У машинасини универмагнинг нариги тарафидаги тўхташ жойига қўйган эди.

– Универмагда ишим бор, – деди Тоҳир.

– Ҳа, – деб биз ҳам унга эргашдик. Тоҳир спорт анжомлари бўлимига кирди. У ердан фалон сўмга учта шахмат тахтасини доналари билан сотиб олди.

– Уйдаги невараларга биттаси ҳам етарди-ку, – дедим жим туrolмай.

– Уларники бор, бугун болалар шахмат клубига учрашувга борадиганман, ўшаларга оводдим, – деди Тоҳир.

Шунақа азизлар, ақлли одамлар бойликни қорин йўлида эмас, ақл йўлида сарфлайдилар. Ҳа, у ёқдан тежаб бу ёққа урадилар. Ана энди ҳикоямиз тугади.

КАФОЛАТ ХАТИ

У эри ўлиб бир қизу икки ўғил билан тул қолди. Ўлган ўлади, қолган яшайди деганларидек, йиллар ўтиб, қизини узатди, катта ўғилни уйлантирди. Навбат кичигига келди. Лекин тинка қуриган. Қариндош-уруғлар ҳам берадиганини бериб бўлган. Сўрагани юз чидамайди. Яқин кишиларидан бири банкдан кредит олишни маслаҳат берди. Аммо бунинг учун ниманидир

гаровга қўйиш керак экан. Яшаб турган уйидан бошқа қўзга илинадиган нарсанинг ўзи йўқ. Бироқ яшаш жойни гаровга қўйиб бўлмас экан. “Тўй экан-ку, яқин кишиларингиз кафолат хати ёзиб беришса, кредит беришимиз мумкин” дейишди банкдагилар.

У қариндошларига эмас, яқин дугоналарига оғиз солиб кўрди. Уларнинг бири эри унамаганини, бир қайинотаси, яна бири қайинонаси йўқ деганини айтди. У ўйлаб қолди, халқимизда гап бор: “кафил турма кафансиз кетасан”. Анови йўқ деганлар ҳамма тарафини ўйлашган-да. Айтилган муддатда кредитни тўлай олмаса, банк кафил турганларни безовта қиладими? Қилади! Кейин иссиқ жон, ҳамма нарса бўлиши мумкин. Шуларни ўйлаб, сирдош дугоналаридан хафа бўлмади. Аммо бу гап иш жойида сал “шамоллаб қолди”. Бир куни олашовурроқ жамоадоши уни ҳайрон қолдириб, шундай деди:

– Банкдан кредит олмоқчи экансиз, гаровга қўядиган нарсангиз бўлмаса мен кафилликка ўтақоламан, ҳечам хижолат бўманг, кредитдан узилиб кетасиз, келин бола ёнга қолади... – деди у ҳамишадагидек қувноқлик билан.

– Ўйлаб гапиряпсизми, эрингиз нима дейди, қайинотангиз, қайинонангиз-чи? – дея ишонтирамади.

– Қайинотам, қайинонам, эрим ҳам кафиллик беравер дейишди.

– Ахир уйингиздагилар мени яхши танишмайди-ку.

– Улар, сиззи яхши танишмасаям Худони яхши танишади. Тўй – никоҳ деганлари бу Ху-

дойимнинг иши, фарз, амалларидан экан. Унга ёрдам берганларга Худоям ёрдам бераркан. Сиз қанча савоб олсангиз, мен ҳам шунча савоб оларканман. Кейин Худойимнинг айтганини қилган одамга Худойимнинг ўзи ёрдам бераркан, ана шунақа, қўрқманг...

У ўзича олашовур деб юрадиган жамоадоши-ни энг якин кишисидек бағрига босганича туриб қолди.

БОБО, НАБИРА ВА ИНТЕРНЕТ

Бобонинг тиниб-тинчимас бир набира-си бор. У кичкиналигидан бобоси ёнида думалаб-сумалаб катта бўлди. Мактабга борди. Ҳамма болалар каби тўп тепади, спорт тўғаракларига боради. Баҳолари “5”. Илгари у бобосини саволга тутар, “нега, нимага” деб ҳоли жонига қўймасди. Энди бўлса бу ҳолат ўзгарган у бобосинимас, бобоси уни саволга тутади. Чунки уйда компьютер деган нарса бор-да. Тинч қўйиб-қўймай ундан фойдаланиш керак. Бунини бобо яхши билади.

Бир куни бобоси: “Алгоритм, алгоритм дейишади, у нима дегани, болам” деб наби-расидан сўраб қолди. Набира дарровда интернетга кирди, Алгоритм бу хоразмлик улуғ олим Ал-Хоразмийнинг исми экани, европаликлар Ал-Хоразмий дейишга тиллари келишмай Алгоритм деб юборишганини, улуғ олим бирдан тўққизгача бўлган рақамлар ва нолни кашф қилганини, агарда шу ихтиро бўлмаганда одамлар бугунги тараққиётга эриша олмасликлари мумкинлигини, айтиб берди.

Бобо Ал-Хоразмийнинг бирдан ўнгача бўлган рақамларни ихтиро қилганини биларди-ю, аммо бутун дунё фанига Алгоритм номи билан кириб борганини билмас эди.

Навбатдаги куни бобо юртимизда барпо этилаётган интенсив боғлар ҳақида билгиси келиб қолди. Набира яна интернетнинг тугмачасини босди.

– Хў-ў-ш... нима топдинг болам?

– Сиз сўраётган интенсив боғлар Ўзбекистонда 2010 йилдан бошлаб экила бошладди.

– Қанақа кўчатлар экиларкан?

– Олма, нок, олхўри, гилос, шафтоли.

– Кўчатларни қаердан обқелишаркан?

– Украина, Польша, Сербия деган давлатлардан.

– Кўчатларни неча метр оралиқда экишаркан?

– 2 метр.

– Ўҳ, жуда яқин-у, қатор оралиғи-чи?

– Уч ярим метр.

– Ҳосилга қачон кираркан?

– Иккинчи йилиёқ ҳосилга кирар экан бобажон, қаранг, иккинчи йили гектаридан 2–5 тонна, учинчи йили 5–10 тонна, тўртинчи, бешинчи йилларга келиб гектаридан 40–50 тоннадан ҳосил берар экан.

– Воҳ, воҳ... роса ҳосилнинг кони экан-ку, бу интенсив боғ деганлари. Дарахтларнинг бўйи неча метр бўларкан, бўйи?

– Паканасининг бўйи 2–3 метр, ярим паканасининг бўйи 3–4 метрдан ошмасин.

– Ажабо, бу боғлар неча йил яшаркан?

– Паканаси 18–20 йил, ярим паканаси 25–30 йил.

– Ана холос, биззи давримиздаги боғларнинг энг тез ҳосилга кирадигани шафтоли эди, уч йилда, қолганлари беш-олти йилда нишона қиларди, саккиз-ўн йилсиз росмана ҳосилга кирмас эди. Бўйи даррозлигидан териш қийин бўларди. Ярими тўкилиб кетарди. Бу боғларнинг мевасини бемалол ерда юриб терса ҳам бўларкан. Замон, замон сизларники бўлди, болам. Буни устига мана бунақа беминнат тилмочинглар ҳам бор. Эҳ-а, ўтди карвон, кетти даврон, энди даврон қайдадир, – деб бобо олдин набирасининг бошини, кейин эса компьютерни силаб қўйди.

ТАВБА

Ўғил ишдан ҳар кунги вақтда қайтди. Бунақа пайтда онажонисининг овқати тайёр бўлар, шунгами иштаҳа карнай эди.

– Онажон овқатингизни обкелинг, роса очман?

– Бугун кеч қолдим болам, маҳаллада жаноза бўлиб қолди-да, – деди онаси.

– Шунақами, ким?

Онаси айтди.

– Ҳа-а... анови алкашми. Ахири уйидагилар ундан кутулишибди-да.

Онаси жавоб бермади.

– Озгина чалғиб тур, болам, овқатим ҳозир пишади.

У чалғий деб телевизорни кўймоқчи эди, чироқ ҳали келмапти. Унинг кўзи ёстик устидаги йиллик намоз тақвимига тушди. Дуч келган жойини очиб ўкиди:

“Мусулмонларни (ёмонлаб) гапиришдан тилларингизни тийинг. Агар улардан бирор киши вафот этса, у ҳақда фақат яхши сўзларни айтинг” (Табароний ривояти.)

Ўғил чўчиб тушди. Ахир бу саҳифада бошқа ёзувлар ҳам бор эди-ку. Келиб-келиб айнан шу ҳадисни ўқиганини-чи. Дарровда тавба қилди.

НИЯТ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бир қориндан талашиб тушган ака-укалар бор эди. Тақдир тақозоси билан улар бўлак-бўлак шаҳарларда яшашарди. Ука ибодатли, аммо жуда фақир яшарди. Ака бўлмиш жуда бой, аммо ибодатда эмас эди. Ичарди, кимор ўйнарди ва бошқа ношаръий ишларни қиларди. Бойлиги эса ошиб-тошиб ётаверарди. Уканинг хотини нуқул маломат қиларди:

— Сиз туну кун Худо десангиз ҳам бирингиз икки бўмайди, акангиз Худо демаса ҳам бойлиги ошиб-тошиб ётибди. Хотини шундай деб пешонасига тақиллатгани-тақиллатган эди.

Ахири ука ибодатни ташлаб, акасидек бўлишга қарор қилди ва акаси яшаётган шаҳарга қараб йўл олди.

Бу пайтда эса ака, укасига ўхшаб ибодатга киришни ният қилиб, бу ёққа қараб йўлга чикқан эди. Ака ва укалар ярим йўлда учрашишди-ю, қазолари етган экан оламдан ўтишди. Ибодатли

ука ниятига кўра дўзахи бўлди, ҳали пешонаси саждага тегмаган ака эса жаннати.

ОДАМ ЗОТИНИ БИЛИШ ОСОНМИ?

Маҳалламизга яхши усталар келганини эшитиб қолдим. Ҳовлида озгина бетон ишлари бор эди. Гаплашсам учтаси бўш экан, чиқақолишди. Аввало улар билан танишиб олдим. Шокиржон деганлари бошлиқ экан. Серҳаракат, уйланган, биринчи фарзандини кутаётган экан. Яна биттаси мўйлови энди сабза урган, ёш йигитча, исми Турсунали. Учинчилари ёши улуғроғ-у кўринишдан бўш-бўёвгина, исми Аъзамжон. Тўрт боланинг отаси. Шундай қилиб, танишиб олганимиздан кейин иш бошланди. Эътибор қилсам ишнинг кўпроғи Аъзамжонга тушяпти. Сув олиб келган ҳам, бетонни аралаштириб қорган ҳам шу. Турсуналининг челагига бетонни ярим қилиб солган ҳолда (назаримда уни ёш деб аяйди шекилли) ўзиникига аямай солади. Ишбоши Шокиржон бўлса режа олиш, андова тортиш билан овора. Ора-чора шундоғам тиним билмаётган Аъзамжонни қистаб қўяди. Камига Турсунали ҳам бир нималар деган бўлади. Аъзамжон индамайди, ишдан бош кўтармайди. Бунчаям бўш-баёв бўлмаса бу одам. Яна тўрт боланинг отаси-я. Бунчаям шалвирайди, сал тил-забонли бўлганиям дуруст экан-да одамни.

Шуларни ўйлаб турсам бирдан Аъзамжонга телефон бўлиб қолди.

— Оббо, — деди у ёқда Шокиржон норози бўлиб. Турсунали бўлса ишшайиб қўйди.

Аъзамжон бўлса шу кўнғироқни кутаётган эканми, чиройи очилиб, шошиб чўнтагига қўл юборди. Телефоннинг овозини атайлаб баландлатиб кўйган экан, у ёқдан ёш болаларнинг овозлари эшитила бошлади:

– Ассалому алайкум дадажон, кўлиз тузукми?

Шундагина эътибор қилибман, унинг чап қўли билагидан сириб боғланган экан.

– Тузук, болам тузук...

– Менга чупачупис обкелинг.

– Хўп болам, хўп...

Болалар шу зайл дадаси билан саломлаша бошлади. Бу ёқда Шокиржоннинг хуноби ошади, унинг нима деб нима кўяётганини Аъзамжон эшитмайди, хаёли болаларида, уларни соғингани сезилиб турарди. Ҳозир тўрттинчиси билан салом-алик қиладию, гап тугайди деб турибман мен бу ёқда. Аммо саломлашишнинг иккинчи давраси бошланиб кетди. Ишбоши қўлидаги андовани тарақлатиб, бақириб берди. Турсунали Аъзамжонни туртиб кўйди. Боласи тушмагурлар отасининг иши бошидан ошиб ётганини улар қаердан билсин...

– Бўпти болаларим, бўпти, онангизни хафа қилманглар-а, хўпми, – деб телефонни ўчирди у.

– Ёмонам ишши белига тепишади-да шу болалариз, – деб тутун қайтарди Шокиржон. Ҳар куни аҳвол шу-я...

Аъзамжон айбини ювиш учун шоша-пиша ишга ёпишди. У олдингидан ҳам ғайратланиб кетган эди. Ҳа, болажон одам экан, уларни роса соғинибди, бечора.

— Аъзамжон, — дедим салдан кейин уни гапга тутиб, — болаларингиз сизни роса соғинишибди, икки қайтадан саломлашишди ўзиям.

Аъзамжон оғир сўлиш олиб, деди:

— Сўрашганларнинг олдинги иккитаси синглимнинг болалари, синглим ўлиб кетган, кейинги тўрттаси ўзимники. Бизда тартиб шунақа, олдин ўшалар мен билан салом-алик қилишади, кейин ўзимникилар. Ҳар куни бир марта дадалашмаса кўнгиллари ўрнига тушмайди, ўзимам шунга ўрганиб қоғанман.

Бу гапдан кейин бир қалқиб тушдим.

— Болаларни отаси-чи, тирикми? — дедим.

— Ҳа, бошқасига уйланиб, паққос кетворган. Бир ҳисобда шунисиям яхши бўлган, болалар икки уйлик бўлиб катта бўлмайди...

Нафасим ичимга тушиб кетди, бир аҳволга тушдим. Беихтиёр унинг аёлини кўз олдимга келтирдим. Аёлиям ўзига ўхшаган экан-да, ўзини болалари қолиб, саломлашиш навбатини етимчаларга берса. Бу дунёда нақадар яхши одамлар кўп...

Воқеани кампиримга айтиб бердим, у ўтириб йиғлади. Шу билан тинчимади, сандигини титиб, бир бўғча нарсани Аъзамжонга, хотинига деб ажратди. Кейин, сўрангчи, уларнинг ёши неччидайкан, деди. Каттаси ўғил, етти ёшда, бу йил мактабга бораркан. Кичиги уч ярим ёш, қиз бола экан. Эртасига анови бўғча ёнида янгиси пайдо бўлди. Кампирим бозорга тушиб, пенсия пулидан ўғил болага бошдан-оёқ мактаб формаси, қизчага кўйлакчалар олибди...

Камина Аъзамжон воқеасини ичимга сиғдира

олмай, гап орасида ишхонамиздаги аёлларга ҳам айтиб бердим. Севара исмли ходимамиз бир энтикди-да:

— Менинг гапимни эшитинг, — деди, — маҳалламизда эрта саҳар бир йигит қишлоқдан қатнаб қатиқ сотиб юради. Ҳамма ўшани қатиғини олади. Ёғлиқ, тошдек қаттиқ. Қўш-ниларим бор қатиғини мақташади-ю ўзини нукул ғийбат қилишади. “Сумбатдек йигит қатиқ сотмай ўл, бошқа иш топса бўлмасмикан, бундоқ уялмайдиам?” Мен, аксинча, йигитни ёқлайман. Қанийди, ҳамма йигитлар ҳам шундоқ бўлса. Анови икки букилиб, қўллари узилиб, қатиқ-сут сотиб юрган хотинларнинг ўғиллари йўқ дейсизми? Бу йигит онасини, опа-сингилларини аяб, шу ишни қилиб юрибди, барака топсин, отасига минг раҳмат, тирикчиликнинг нима айби бор...

— Хо... қизларингиз етилиб турибди, мабодо совчи келса шу қишлоқи қатикчига берарминдингиз? — деб улар энди мени жиғимга тегмоқчи бўладилар.

— Қанийди, қизимни жон деб бераман, аслида уйим, жойим дейдиган йигитлар, шунақалардан чиқади, — дедим. — Ростданам, йўқ демайман...

АЗАЛИЙ ТАШВИШ

Муборак рамазон кунлари охирлаб борарди. Ишхонамга қўнғироқ бўлиб қолди. Гўшакни олсам аёл киши.

— Узр, сиз мени танитайсиз, — деди у хижолат бўлиб, — ўғлимга дастхат билан китоб совға

қилган экансиз, телефон рақамингиз ҳам бор экан, эсласангиз керак, қўлтиқ таёқли, ногирон бола.

— Ҳа, ҳа, — дедим эслаб, — ўғлингизни китоб дўконида кўриб қолувдим, бирон юмуш билан кўнғироқ қияпсизми?

— Ўғлимнинг тузалиб кетишига умид бор экан, аммо кўлимиз калталиқ қияпти, нимагадир ўғлим, шувало, сизга кўнғироқ қилинг деб туриб олди, шунга безовта қилаётганим.

Ўшанда мен болага ўзингни қарат, ҳали ёшсан, тузалиб кетасан, деган эдим. Бирон ёрдам керак бўлиб қолса, деб телефон рақамимни ҳам бергандим. Демак, муолажага яхшигина пул керак. Аёлга дабдурустдан бир нима дея олмадим. Ҳар эҳтимолга қарши уй телефони ёзиб олдим. Шуларни ўйлаб, пулдорларга кўнғироқ қилгунимча орадан бир-икки кун ўтиб кетди. Мўлжалдаги пулни топишим билан аёлга кўнғироқ қилишни ўйлардим. Буни қаранг-ки, Аллоҳнинг марҳамат чироғи ёнди. Биздан юқори қаватда ишлайдиган бир аёл хонамга кириб келди. Салом-аликдан сўнг у столим устига елим халтада бир нима қўйди-да:

— Закотим, ўрнига тушириб берсангиз, — деди, кейин катта бир вазифани уддалагандек шошиб чиқиб кета бошлади.

— Шошманг, синглим, дуо қилайлик, — дедим, — Худо хоҳласа, закотингиз ўрнига тушади, Дуоларингиз, энди, мустажоб бўлади.

— Қанийди, ўғлим ўқишга кириб кетса, — деди у чуқур хўрсиниб.

Оҳ, онажон, онажонлар-а... бири боласининг

соғлигини ўйлаб ташвишда, бири ўқишини ўйлаб... бу – оналаримизга берилган азалий ва абадий ширин ва аччиқ ташвишлар бўлса керак.

НАСИБА

Рамазон кунлари эди. Кампирим саҳарликка нон олакелишимни қайта-қайта тайинлади. Масжид олдида нон сотилишини биларди. Қаричилик, нон олиш хаёлимдан паришон бўпти. “Энди нима қиламиз,” деб жиғиллади кампирим. “Ке, кўй, бир кун нонсиз саҳарлик қилсак қилибмиз-да”, дедим уни тинчитган бўлиб. Саҳарликка турдик. Шу пайт эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Хавотир олдим. Шу пайтда ким бўлиши мумкин? Очсам, куёвим Баҳром. Қўлида тугунча.

– Ҳа, тинчликми, – дедиму, хаёлимдан кампирим менга билдирмай кўнғироқ қилибди-да, вой тинчимаганей, деган ўй ўтди.

– Иш билан Қаршига борувдим, – деди куёвим, – кечки салқинда йўлга чиқиб, Самарқандга етганда сиз ёқтирадиган пўлоти нонларидан оловувдим, йўл-йўлакай ташлаб ўтай дедим, ичида озгина тандир гўшти ҳам бор, – деб тугунни қўлимга тутқазди.

– Кўрдингми, – дедим кампиримга мактаниб, – Аллоҳ қудратли, хоҳласа насибани Қаршию Самарқанддан бўлса ҳам етказади, ана шунақа. “Энди нима қиламиз”, деб ташвиш чеккан пайтда пўлоти нонлар бизга қараб йўлга чиққан экан-у...



ТАБИАТ КИТОБИ

Қўشларнинг ҳаёти

БАДБАШАРА МАХЛУҚ

Итимиз Октошнинг фожиали ўлиmidан сўнг умуман жониворлар ҳақида ёзмасликка ўзимга ўзим сўз берган эдим. Лекин дала боғ ҳовлида ранги туси Октошга ўхшамаса ҳам қилиқлари ўхшаб кетадиган бир ит пайдо бўлди-ю яна кўлимга қалам олдим. Бу шундай бўлди...

Боғ ҳовли кўшнимизнинг машинасида бир кадрдонимизнинг издиҳомидан қайтар эдик. Издиҳомда нимагадир табиат, одамлар, жониворлар, тилли, тилсиз, жамики махлуқотларни бир-бирига боғлаб турадиган битта нарса бор, у ҳам бўлса — меҳр деб шу мавзуда турлитуман баҳслар бўлди. Биз ҳамон ўша суҳбат таъсиридами ё бошқа сабабданми жим келардик. Март ойининг охирлари, ҳаво гоҳ исиб, гоҳ совиб, алағда бўлиб турган пайтлар. Мен ўтган ҳафта боғ ҳовлига чикмаган, тоғ этагидан чўққиларгача тўшалиб борган ям-яшил оламини, майсалар ҳидини соғинган эдим. Кўшнимдан тоққа чикдингизми, йўкми деб энди сўрамоқчи бўлиб турган эдим, ўзи гап бошлаб қолди.

— Қаранг, — деди у йўлдан кўзини узмай, машинани бир маромда бошқариб борар экан, — ўтган ҳафта дачага чиқовдим, денг. Шом бўлиб қолувди. Ҳовлига кириб машинадан тушишим билан бир бадбашара нарса оёғимнинг тагида пайдо бўлиб қолса бўладими? Кўрқиб кетдим. Ит бўлиб итга ўхшамайди, мушук бўлиб мушукка. Кўзигина йилтиллаб турибди. Думи

узундан узу-у-н, денг. Жинмикан деб ўйлаб, Бисмиллоҳ айтиб, ер тепиниб, ҳайдаб солдим. Осмонга чиқдим, ерга кирдим, ишқилиб, йўқ бўлди, қолди. Шом намозидан кейин, бир ўзимга дастурхон ёзиб, тамадди қиламан десам, ташқаридан бир ғалати овозлар эшитилиб қолди. Чиксам, ер искаланиб митти, митти оқ, қора кучукчалар юрибди. Бояги бадбашара махлук бўлса, сал нарида, бир аҳволда чўнқайиб ўтирибди. Ўтибор қилсам, ўша бадбашара махлук кучукчаларнинг онаси экан. Болалари дам-дам бориб онасининг қуриб қолган кўкрагига тумшук уради. Нафслари қонмагач, зорланиб ангиллашади. Болалари турткилаганда онаси бечора йиқилиб тушай дейди. Уларни катта қиламан деб шу аҳволга келиб қопти шўрлик. Ҳойнаҳой ит жонивор бу ердаги уйларида одамлар яшаса керак, болаларим очликдан ўлмайди деб дала ҳовлимизга келиб туққан. Уйларининг эгалари бўлса ҳафтада бир келса келади, келмаса йўқ. Итнинг ҳасрат билан чўнқайиб ўтиришидан ғалати бўлиб кетдим. Унинг бадбашаралиги ҳам кўзимга кўринмай қолди. Нима бўлганда ҳам ақлли махлук экан. Мени ҳайдаб солдинг, сени ҳам болаларинг бордир, ахир, раҳминг келсин деб болаларини бошлаб келганичи? Кучукчалар сутдан чиқиб, овқатга кириб қолган кўринарди. Нафсимга бир урдим-да олиб келган икки кунлик овқатимни чақирилмаган “меҳмонларим”га чиқариб бердим. Қараб турибман, онаси жониворнинг бўлари бўлган-у, бироқ овқатга оғиз урмайди. Болаларим тўйиб олсин деб қараб турибди. Итлар сабр-тоқатда